

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**5110902-ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ  
2-КУРС МАГИСТРАНТИ ДИМИТРИЙ УМНОВНИНГ**

**МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКДА ЁШЛАРГА ҲУНАР  
ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ХОРИЖ  
ТАЖРИБАЛАРИДАГИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

<b>Қайддан ўтказилди</b> № _____ « _____ » _____ 2017 йил	<b>Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга тавсия этилди</b> Илмий раҳбар: _____ п.ф.н., доцент М.Артикова (имзо)  <b>Ҳимояга тавсия этилди</b> Кафедра мудири: _____ п.ф.н., доцент М.Артикова (имзо) « _____ » _____ 2017 йил
---	--

**Андижон – 2017**

## АННОТАЦИЯ

Миллий ҳунармандчиликда ёшларни мақсадли касб-ҳунар эгаллашга тайёрлаш, уларга замонавий шароитда кичик бизнес, тадбиркорликка оид билимларни ўргатиш лозим. Бу эса уларнинг мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш учун меҳнат қилишлари, ўз вақтларини фойдали ишларга сарфлашларига кўмаклашади. Меҳнат қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш – кичик ва ўрта бизнесга ҳисса қўшишга ундайди.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда миллий ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатиш жараёни ва унинг хориж тажрибаларидаги қиёсий таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг мазмунида миллий ҳунармандчилигини ўрганиш ва ўргатиш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги, халқ ҳунармандчилиги, унинг ривожланиши ва анъаналаридаги ўзига хослик, бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга ҳунар ўргатишнинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти, “устоз-шогирд” анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатишнинг устувор жиҳатлари, хорижий мамлакатларда миллий ҳунармандчиликнинг мақоми ва ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти, касб-ҳунар коллежлари ўқув машғулотида халқ ҳунармандчилигини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мезонлари, ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари, ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш бўйича методик тавсиялар баён этилган

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	.....	5-13
<b>1 БОБ.</b>	<b>МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК НЕГИЗИДА ЁШЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИШ – ДОЛЗАРЪ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.....</b>	14
1.1.	Миллий ҳунармандчилигини ўрганиш ва ўргатиш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги.....	14-22
1.2.	Халқ ҳунармандчилиги, унинг ривожланиши ва анъналаридаги ўзига хослик.....	22-30
1.3.	Бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга ҳунар ўргатишнинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти.....	30-37
	Биринчи боб юзасидан хулоса	38
<b>2 БОБ.</b>	<b>ҲУНАРМАНДЧИЛИК АСОСИДА ЁШЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ.....</b>	39
2.1.	“Устоз-шогирд” анъналари асосида ёшларга ҳунар ўргатишнинг устувор жиҳатлари.....	39-47
2.2.	Ҳорижий мамлакатларда миллий ҳунармандчиликнинг мақоми ва ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти.....	48-57
	Иккинчи боб юзасидан хулоса	58
<b>3 БОБ</b>	<b>МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИҚДА ЁШЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ.....</b>	59
3.1.	Касб-ҳунар коллежлари ўқув машғулотида халқ ҳунармандчилигини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мезонлари .....	59-76
3.2.	Ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари.....	76-82
3.3.	Ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш бўйича методик тавсиялар.....	82-87
	Учинчи боб юзасидан хулоса	88
	<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР.....</b>	89-90
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	91-97
	<b>ИЛОВАЛАР</b>	98-101

# **МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКДА ЁШЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАГИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

## **КИРИШ**

**1 БОБ. МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК НЕГИЗИДА ЁШЛАРГА  
ҲУНАР ЎРГАТИШ – ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА**

1.1. Миллий ҳунармандчиликни ўрганиш ва ўргатиш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги

1.2. Халқ ҳунармандчилиги, унинг ривожланиши ва анъналаридаги ўзига хослик

1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга ҳунар ўргатишнинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти

**2 БОБ. ҲУНАРМАНДЧИЛИК АСОСИДА ЁШЛАРГА ҲУНАР  
ЎРГАТИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**

2.1. “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатишнинг устувор жиҳатлари

2.2. Ҳорижий мамлакатларда миллий ҳунармандчиликнинг мақоми ва ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти

**3 БОБ. МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКДА ЁШЛАРГА ҲУНАР  
ЎРГАТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ**

3.1. Касб-ҳунар коллежлари ўқув машғулотида халқ ҳунармандчилигини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мезонлари

3.2. Ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари

3.3. Ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш бўйича методик тавсиялар

**УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР  
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ  
ИЛОВАЛАР**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Маълумки, қадимдан ҳар бир хунар муқаддас ҳисобланган, уни эъзозлаганлар. Ота-боболаримизнинг устоз ва шогирдлар учун ўзига хос одоб-ахлоқ, қонун-қоидалари, урф-одатлари, дуолари, анъаналари бўлган, уларга қатъий риоя қилган. Халқ хунармандчилигида устозларнинг шахсий ва касбий фазилатлари мезони бўлган. Устага шу мезон асосида баҳо берганлар. Устознинг шахсий фазилатлари мезони унинг саҳийлиги, одоблилиги, шогирдларига меҳр-шавқатлилиги, марҳаматлилиги, очик юзлилиги, хушмуомалалиги, сабрлилиги, талабчанлиги, тўғри сўзлиги, кечиримлилиги, поклиги каби фазилатларни ўз ичига олади.

Миллий хунармандчиликдаги маросимлар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар ёшлар маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Ёшлар томонидан халқ хунармандчилиги маросимлари, анъаналарини, маънавий кадриятимизнинг сир-синоатини тўлиқ билиб олиш, уларда миллий ғурур ифтихор ҳиссини уйғотади, фикрлаш доираси кенгаяди, миллий ўзликни англайди. Юртимизда қадимдан касб маҳорати сир-асрорларини, йиллар давомида орттирган ҳаётий тажрибани авлоддан-авлодга ўтказиш оилавий урф-одатга айланган. Тотувлик, ўзаро ишонч, ҳурмат ва ўз оиласи учун фахрланиш ҳисси ўзбекона оилавий хунармандчиликнинг асосларидан ҳисобланади ва бозор иқтисодиёти шароитида бу тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугун юртимизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг етарлилиги, қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бораётганлиги ва хомашё базасининг мавжудлиги, шу билан бирга, халқимизнинг тафаккурида қадимдан шаклланган тадбиркорлик анъаналари оилавий бизнесни янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига асосланувчи янги жамият барпо этар экан, ўз мустақил тараққиётининг дастлабки кунларидаёқ

Ўзбек модели деган ном билан жаҳонга машҳур бўлган ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, миллий хусусиятларни акс эттирувчи илмий асосланган дастурга мувофиқ ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги маънавий қадриятларни юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Миллий истиқлол ғояси бу қадриятларни тиклашни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади. Миллий ўзликни англаш ҳар бир инсон учун маънавий баркамолликнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Чунки у аввало, ўзининг кимлигини билиб олса, қайси миллатга мансублигини тушуниб етса, авлод-аждодлари, улар қолдирган модий ва маънавий меросни ўзлаштирсагина тўлақонли шахс даражасига етиши мумкин. Бундай шахслар миллатнинг аксарият кўпчилик қисмини ташкил қилсагина бундай миллатнинг истиқболи буюк бўлади.

Сиёсий маънавияти, миллий онги ривожланган, миллий жиҳатдан ўзини ўзи англаб етган халқ, миллат мустақилликнинг буюк кучига айланади. Миллатнинг, халқнинг куч-қудрати унинг сони билан ўлчанмайди, балки сиёсий етуқлиги, миллий онгнинг ўсганлиги, миллий ғурури, миллий ҳиссиёти, миллий туйғунинг қай даражадалиги, ўз ўзини англаб этганлиги, миллий уюшганлиги билан белгиланади.

Шахс маънавиятини ривожлантиришнинг омиллари ва воситалари кўп: ўзбек халқининг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб қадриятларидан бири бу – миллий хунармандчилик ҳисобланиб, кўл меҳнати асосида яратилган буюм ва либослар, уларни яратилиш тарихи ва маъно-мазмунини ва хусусиятларидан сўз очади. Замонавий шароитда хунар ўрганиш ва унга муносабат жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзининг бунёдкорлик, яратувчанлик ислохотчилик қудратини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ёшларни меҳнатсевар, ташаббускор, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган қилиб тарбиялаш, айниқса уларда касб танлашга онгли муносабатни шакллантириш бугунги куннинг муҳим

талабидир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшларни мақсадли касб-хунар эгаллашга тайёрлаш, уларга замонавий шароитда кичик бизнес, тадбиркорликка оид билимларни ўргатиш лозим. Бу эса уларнинг мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш учун меҳнат қилишлари, ўз вақтларини фойдали ишларга сарфлашларига кўмаклашади. Меҳнат қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш – кичик ва ўрта бизнесга ҳисса кўшишга ундайди. Иқтисодий ислохотлар мазмуни ва йўналишлари, хунармандчилик тадбиркорлиги фаолиятининг моҳияти, шакллари, тадбиркор-хунармандларга хос сифатлар, уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси масаласи Ш.Ахунова, А.Иброҳимов, Р.Исмоилов, Р.Муҳиддинов, Х.Р.Санақулов, К.Ш.Сирожиддинов, Т.Ергашев, Р.Р.Ҳакимов, Ж.Ҳасанбоев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Таълим тизимида иқтисодий таълимни ташкил этиш, оила тадбиркорлиги, хунармандчилик, касаначиликни ташкил этиш шартлари, устоз-шогирд муносабатлари С.Бобоқулов, Б.Ирисқулов, Х.Ж.Худойқулов, Ш.А.Ешметов, А.Қудратов ва Ш.Қувондиқовларнинг ишларида таҳлил қилинган.

Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш жараёнининг психологик жиҳатларини ўрганиш ҳам қутилган натижани кўлга киритиш имконини беради. Шу жиҳатдан олганда Ш.Баратов, С.Бобоқулов, У.С.Жумаев, К.Жўраев, Н.Қ.Камолова, Х.А.Умарова, Х.Ж.Худойқулов кабиларнинг ишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларда ўсмирларнинг ёш, психологик ва физиологик хусусиятлари, уларнинг меҳнат ва ишлаб чиқаришга бўлган муносабатлари, муайян хунар асосларини ўрганишга бўлган қизиқиш, эҳтиёжлари, шунингдек, бошланғич, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида ёшларни тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга тайёрлаш муаммолари ўрганилган.

Тадбиркорлик фаолиятида хунармандчилик ўзига хос ўрин тутаяди,

шунингдек, мазкур соҳа ёшларни ишлаб чиқариш кўникма ва малакаларига эга бўлишларида ҳам катта тарбиявий таъсирга эга. Р.Абдуллаева, В.Алексеев, Х.Абдулқосимов, З.Боситхонов, С.Булатов, М.Ҳайдаров, Д.А.Зоҳидова, Б.Ирискулов, В.А.Мазур, Ф.Т.Давидова, Р.Сарсенбаева, С.Салаев, Х.Усмонов, Н.Шодиев, М.Абдурахмонова, Г.Шодиева, М.Пардаева, Ф.Эргашев ҳамда Р.Қиличевларнинг тадқиқотларида хунармандчилик йўналишлари ва уларнинг тарихий ривожини, миллий хунармандчиликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда тарбиявий имкониятлари, турли ҳудудларда ривожланган хунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятлари, касаначиликнинг хусусий тадбиркорликни ташкил этишдаги ўрни масалаларига тўхталиб ўтилган.

Диссертацияни бажаришда хорижнинг халқаро электрон маълумотлар базасига киритилган журналлардан фойдаланилди. Шунингдек таъкидлаш жоизки айни биз тадқиқ этаётган муаммо доирасидаги масалалар мазкур базаларда учрамайди. Аммо ушбу маълумотлар назарий умумлашмалар ва улардан келиб чиқиб айрим илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш таклифларида фойдаланиш учун ўрганилди. Хусусан,

**1. В.С.Пель. О некоторых проблемах в подготовке кадров для работы с молодёжью [Сибирский педагогический журнал. 2013 г. №5. ст. 52-55. ИСИН: 1813-4718].** Ушбу мақолада замонавий Россияда ёшлар билан ишлашнинг долзарб муаммоларини аниқлаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор жиҳатлари ва бу борадаги тажрибалар келтирилади.

**2. А.В.Ефанов. Становление ремесленной деятельности и ремесленного образования в современной России. [Вестник Мининского Университета. 2014 г. №4 (8). Ст. 29-30. ИСИН: 2307-1281].** Мақолада кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятида хунармандчилик йўналишининг истиқболли ривожланиш муаммолари кўтарилган. Шунингдек, хунармандчилик негизида касбга тайёрлашнинг асослари, ушбу жараённи институтлаштириш йўллари ва усуллари келтирилади. Шунингдек,



замонавий ҳунармандчиликнинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг мамлакатнинг ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий таъсири очиб берилади.

### **3. А.Ю.Окладников<sup>1</sup>. Ремесленничество в структуре малого предпринимательства и особенности его регулирования в г. Москве.**

Ушбу мақолада ҳунармандчилик фаолиятини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари очиб берилади. Россияда миллий-баддий ҳунармандчиликни сақлаб қолиш ва қўллаб-қуватлаш, қўл меҳнатининг ривожланишига ҳукумат ва ҳудуд даражасидаги жамоатчилик бирлашмалари эътиборини кучайтириш масалалари ёритилади.

### **4. Т.Б.Антипова<sup>2</sup>. Традиционные ремесла и промыслы в «кормящем ландшафте» нижнего Поволжья: потери и обретения.**

Мақолада қуйи Поволжья тарихидаги анъанавий ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлашнинг авлоддан-авлодга ўтиши ва ривожланиши масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, турли хил ҳунар ва ишлаб чиқаришларнинг йўқ бўлиб кетишига таъсир этувчи омиллар ҳамда улар устида давлат назоратини ўрнатиш жараёнлари кўрсатиб берилган.

### **5. О.А.Сиренко<sup>3</sup>. Положение ремесленников в эпоху правления династии Чосон в корее (конец ХИВ-ХВ вв.).**

Мақолада Кореяда ҳунармандчиликнинг ривожланиши, унинг тарихи, ишлаб чиқариш жараёнида тугган ўрни, иш билан бандликни таъминлашдаги аҳамиятини Чосон давлати мисолида ёритилган.

Олиб борилган илмий-тадқиқотларга қарамасдан бугунги кунда халқ

---

<sup>1</sup>Бизнес в законе. Научный журнал включен в список ВАК России.. ISSN: 1816921X.  
<http://ores.su/ru/journals/gumanitarniy-vektor-seriya-pedagogika-psihologiya/2011-nomer-4/a33422>

<sup>2</sup> Общество. среда. развитие (terra humana). Научный журнал включен в список ВАК России. ISSN: 19975996.

<http://ores.su/ru/journals/gumanitarniy-vektor-seriya-pedagogika-psihologiya/2011-nomer-4/a33422>

<sup>3</sup> Гуманитарные исследования в восточной сибире и на дальнем востоке. Научный журнал включен в список ВАК России. ISSN: 19972857.

<http://ores.su/ru/journals/gumanitarnye-issledovaniya-v-vostochnoj-sibiri-i-na-dalnem-vostoke/2013-nomer-4-24/a149040>

хунармандчилиги асосида ёшларни касбга тайёрлаш тадқиқот олиб боришни тақозо этмоқда. Шу сабабли ҳам тадқиқотимизни **“Миллий хунармандчиликда ёшларга хунар ўргатиш жараёни ва унинг хориж тажрибаларидаги қиёсий таҳлили”** деб олишимиз ушбу мавзунини долзарб эканлигидан далолат беради.

**Диссертатсия ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:** диссертатсия З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети “Педагогика” кафедрасининг **“Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг назарияси ва амалиёти”** номли бош илмий-тадқиқот мавзуси, шунингдек кафедрада бажарилаётган А-1-41-рақамли амалий тадқиқот гранти доирасида тайёрланди.

**Тадқиқот ишининг мақсади:** миллий хунармандчиликда ёшларга хунар ўргатиш жараёни ва унинг хориж тажрибаларидаги қиёсий таҳлилинини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва мавзу юзасидан илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** миллий хунармандчиликда ёшларга хунар ўргатиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети:** миллий хунармандчиликда ёшларга хунар ўргатиш жараёни ва унинг хориж тажрибаларидаги қиёсий таҳлилинини тадқиқ этиш, унинг мазмуни, методлари, шакллари ва ривожлантирувчи омиллари.

**Тадқиқот ишининг вазифалари:**

- мавзунини илмий-назарий жиҳатдан долзарблигини асослаш;
- миллий хунармандчиликни ўрганиш ва ўргатиш – ижтимоий-педагогик зарурият эканлигини асослаш;
- халқ хунармандчилиги, унинг ривожланиши ва анъаналаридаги ўзига хосликни тавсиф этиш;
- бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга хунар ўргатишнинг бандликни таъминлашдаги аҳамиятини ёритиш;
- “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатишнинг

устувор жиҳатларини аниқлаш;

- ҳорижий мамлакатларда миллий ҳунармандчиликнинг мақоми ва ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини ёритиш;

- касб-ҳунар коллежлари ўқув машғулотида халқ ҳунармандчилигини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишларини таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Миллий ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатиш жараёни ва унинг хориж тажрибаларидаги қиёсий таҳлилида самарадорликка эришиш мумкин, агарда:

- миллий ҳунармандчиликни ўрганиш ва ўргатиш – ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги аниқланса;

- бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга ҳунар ўргатишнинг бандлигини таъминлашдаги аҳамияти асосланса;

- ҳорижий мамлакатларда миллий ҳунармандчиликнинг мақоми ва ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти очиб берилса;

- касб-ҳунар коллежлари ўқув машғулотида халқ ҳунармандчилигини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқилса;

- миллий ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатишга хизмат қилувчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилса.

**Тадқиқот қуйидаги методлар асосида амалга оширилди:**

- тадқиқот мавзусига оид илмий-фалсафий, психологик-педагогик, тарихий адабиётлар, ўқув-методик қўлланмаларни илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил этиш;

- педагогик кузатув;

- педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш;

- тадқиқот мавзуси бўйича суҳбатлар ташкил этиш;

- тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Ўзбекистон республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов ва Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг нутқ ва маърузаларидаги халқ хунармандчилиги, тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада такомиллаштириш, бу борада хорижий тажрибаларни амалиётга кенг татбиқ этишга доир фикрлар ҳамда ёндашувлар, Ўзбекистон республикаси Ҳукумати меъёрий Ҳужжатлари, мавзуга оид илмий-педагогик, психологик, методик манбалар.

**Ишнинг илмий янгилиги:**

- миллий хунармандчиликни ўрганиш ва ўргатиш – ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги асосланди;
- бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга хунар ўргатишнинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти ёритилди;
- “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатишнинг устувор жиҳатларини аниқланди;
- хорижий мамлакатларда миллий хунармандчиликнинг мақоми ва ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини очиқ берилди;
- касб-хунар коллежлари ўқув машғулотида халқ хунармандчилигини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга хунар ўргатишнинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти;
- Хунармандчилик асосида ёшларга хунар ўргатишнинг хорижий тажрибалари ва қиёсий таҳлили;
- “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатишнинг устувор жиҳатлари;
- хорижий мамлакатларда миллий хунармандчиликнинг мақоми ва

ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти;

– миллий ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатишнинг самарадорлигини аниқлаш методикаси.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** тадқиқот натижасида педагогика фани миллий ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатиш жараёни ва унинг хорижий тажрибалардаги қиёси таҳлилига оид назарий ёндашувлар, қарашлар, илмий-методик тавсияларга билан бойитилади. Жамланган манбалар, турли ёндашувлар, хулосалар ва назарий умумлашмалар илмий изланувчилар учун ахборот манбаи бўла олади.

**Тадқиқот босқичлари.** Тадқиқот қуйидаги икки босқичда амалга оширилди:

– биринчи босқич (2015-2016) да тадқиқот муаммосига оид педагогик, психологик, фалсафий ҳамда илмий адабиётлар ўрганилди, таҳлил қилинди, тажриба-синов объектлари белгиланди, миллий ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатишнинг мавжуд ҳолати ўрганилди;

– иккинчи босқич (2016-2017) да миллий ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатишга оид назарий билимлар асосида унинг мазмуни аниқланди; хорижий тажрибалар ўрганилди; кенг кўламдаги тажриба-синов ишлари ташкил этилди; натижалар таҳлил этилди, умумлаштирилди ва устувор жиҳатлари аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** тадқиқотнинг муҳим назарий ғоя ва амалий натижалари “Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар” журналида, “Ёшларни қўшимча касбга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик масалалари” мавзусида 2016 йил 15 март куни Андижон давлат университетида бўлиб ўтган республика илмий-амалий анжуман материаллари тўпламида чоп этилди.

**Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми:** иш кириш, 3 боб, 8 бўлим, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 83 саҳифани ташкил қилади.

# 1 БОБ. МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК НЕГИЗИДА ЁШЛАРГА ХУНАР ЎРГАТИШ – ДОЛЗАРЬ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

## 1.1. Миллий хунармандчиликини ўрганиш ва ўргатиш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги

Халқ хунармандчилигининг маънавий меросларимиз билан ҳамоҳанг ривожланиши жуда кўп мутафаккирларимизнинг, донишмандларимизнинг битик ва адабий меросларида юксак маҳоратла битилди, ҳамда жаҳоннинг маданият хазинасига абадий хисса бўлиб кўшилди. Турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда яратилган ҳадис, панднома, ривоят, ҳикоят, дoston, мақол, ғазал, рубоий, маснавий ва бошқа кўринишларда таълим-тарбия ва касб-хунар ўрганишнинг афзаллиги, ҳалол меҳнат билан яшашнинг зарурлиги тўғрисидаги фикрлар бизгача етиб келган.

Бундай ёзма манбаларга VI-VII асрларда яратилган Авесто, XI асрда Кайковус томонидан яратилган «Қобуснома», Абу Наср Форобийнинг «Бахт-саодатга эришув» асари, Хинд файласуфи Бейдабо (Бедпой) томонидан ёзилган «Камила ва Димна», Ал-Хоразмий «Ўғитлар»и Абу Райхон Берунийнинг «Минерология» асари, Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу Билиг», Махмуд Қошғарийнинг «Девону-луғотит турк», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ», Паҳлавон Маҳмуднинг «Рубоий»лари, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан тўпланган «Ҳадислар», Лутфийнинг «Гул ва Наврўз», Алишер Навоийнинг «Ҳамса», «Маҳбубул-қулуб»ларида, Аруз Самарқандийнинг «Нодир ҳикоятлар»и, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» ва бошқа кўплаб адабий, тарихий, маданий-маърифий меросимиз намуналарини мисол келтириш мумкин.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланган «Авесто»да меҳнат қилиш, ҳалол кун кечириш тўғрисида шундай сатрлар кўплаб келтирилган: «Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз

кўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим». Яна «Меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатдан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эшиб туражаксан, ҳақиқатдан ҳам сенинг ёнингда турли хил зироатларни олиб ўтадилар». У тарбиявий, таълимий, панднома кўринишидаги йирик асардир. «Қобуснома» 44 бобдан иборат бўлиб, бошдан охиригача ўсиб келаётган авлодга, ахлоқ, билимли бўлиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, ҳар кимга ўзининг шахсий ва ижтимоий ҳаётни йўлга қўя олиш ва турмушнинг бошқа қирраларини ёритиб, таҳлил қилиб бериш билан суғорилган. Ундаги «Хунарнинг афзаллиги ва қадри баланд, олий табиатли бўлиш ҳақида» номли 6-мақолот, «Деҳқончилик ва бозор хунарлари ҳақида» деб номланган 43-мақолот бизнинг тадқиқотимиз учун, яъни ёш авлодни меҳнатга ва касб-хунар ўрганишга йўналтириш учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Жумладан, 6-мақолотда шундай дейилади: «Ёй фарзанд, огоҳ бўлким, хунарсиз киши ҳамма вақт фойдасиз булур ва ҳеч кимга фойдаси тегмайди... Агар киши олий насаб, асл бўлса-ю, хунари бўлмаса, ҳалойиқнинг иззат ва ҳурматидан маҳрум бўлмаса, ундан баттарроқ бўлади».

Демак, хунарни эгаллашдан аввало жамиятга моддий ёки маънавий бойлик яратилади, хунарсизларнинг ўзи эса зорикмай-зурикмай яшайди, нопок ишларда парҳез қилади. «Олий насаб, асл бўлса-ю,... дейилганда ҳар бир кишининг жумладан, шаҳзодалар ҳам ўзининг ўтмиши, авлоди, қуруқ фахрланиши билан чекланиб қолмасдан ана шу авлоднинг юзини ерга қаратмағил, буни фақат хунар ўргансанг, нопок ишларга қул урмайсан, шундагина сен хунар орқали ўзингни, оилангни, атрофдаги ёр-биродарларингнигина ҳам эмас, балким, авлодингни ҳам ҳар хил истехзодан сақлайсан деган мазмунни келтириб чиқаришга, етказишга ҳаракат қилди. Демак, қиссадан-ҳисса шуки, ҳар қандай киши лавозимидан, билимидан, бойлигидан, авлодининг насл-насабининг ким ва қандай бўлишидан қатъий назар, хунар эгаллаши лозим, шундагина у ҳаётда ҳар хил ножоиз

ҳаракатлардан ҳоли бўлади.

Ислом оламининг буюк муҳаддисларидан ҳисобланган Исмоил ал-Бухорий ўзининг салафлари (6 муҳаддис) орасида «Ҳадис илмида амир ал-муминийн»дир. Улуғ олим Ибн Исмоил ал-Бухорийнинг 20 дан зиёд асари бўлиб «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» ишонарли тўплами энг йирикларидан ҳисобланади, ҳамда «Саҳиҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам юритилади. Ушбу асарда 72, 75 такрорланадиган ҳолда, такрорланмайдиган ҳолда 4000 ҳадис маълум мавзуй тартиб ҳолда тўпланган. Манбаларда эса ал-Бухорий ҳазратларининг 600000 га яқин ҳадисини ёд билганликлари тилга олинади.

Жумладан, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»нинг «Савдо-сотик китоби»даги 14-бобда «Кишининг касби ва ўз қўли билан меҳнат қилиши ҳақида шундай дейилади: «Ойша разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Абу Бакр Сиддик халифа бўлганларида»: «Менинг ўз касбим борлигини қавмимиз яхши билур. Мен гарчи мусулмонлар ишлари билан банд бўлишим, ҳам шу касбим орқали оила тебратурман» дердилар.

Ўрта аср Шарқининг буюк алломаси абу Наср Фаробий ўзининг қатор асарларида илм ва таълимнинг мукаддаслиги, хушахлоқлик, садоқат, инсонийлик, тарбия меҳнат ва касб-ҳунар ўрганиш тўғрисидаги фалсафий, илмий ғояларни илгари сурди. Унинг «Рисола фи-т танбиҳ асбоб ас-саодат» (Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола), асарларида ўзининг яхши, мукамал, бахтли жамият ҳақидаги орзуларини батафсил баён қилади. У номи кўрсатилган дастлабки асарида шундай ёзади: «Фозил жамият ва фозил шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан булган ҳар бир одам касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар...». Фаробий «Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола» асарида таълим-тарбия, меҳнат ва касб-ҳунар кишининг фазилатлари тўғрисида шундай фикр юритади: «Таълим фақат сўз ва ўрганиш билангига бўлади. Тарбия эса, амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат булган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши,



ўрганишидир. Агар улар шу касб-хунарга берилган бўлсалар, касб-хунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-хунарга жалб этса, демак, касб-хунарнинг чинакам ошиғи бўладилар». Демак, мутафаккир оқил жамият қуришнинг ҳам, баркамол шаклланган инсонларни тарбиялашда ҳам, миллат ва халқнинг равнақи ҳам касб-хунар ўрганиш ва ҳалол меҳнат қилиш зарурлигини англайди ва уқтиради. Марказий Оисёнинг, шарқнинг буюк алломаси, шухрати бутун оламга машхур қомусий мутафаккир Абу Райхон Беруний фан оламида, тафаккур хазинасида йирик ўринга эга бўлган илмий мерос қолдирди. Унинг «Минерология» (Қимматбаҳо тошларни билиш), «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» каби асарларида тафаккурга, илмга, фалсафага, таълим-тарбияга, меҳнатга ва касб-хунарларни эгаллашнинг аҳамияти тўғрисида фикрлари баён қилинган.

Абу Райхон Берунийнинг «Минерология» асарида жумладан, шундай келтириб ўтилади: «Меҳнатсиз шон-шавкатга, мартабага эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши ва фароғат соясида яшайди, яхши кийинади, аммо, улуғлик либосидан маҳрум, яланғочдир». Демак, меҳнатнинг тағи роҳат, аммо, меҳнаткаш киши жуда катта амалдор бўла олмаслиги, жуда бой-бадавлат бўла олмаслиги, яланғоч бўлиши мумкин аммо, ҳузур-ҳаловатда бўлади.

Шарқнинг улуғ билимдонларидан бири Юсуф Хос Хожиб ўзининг «Қутадғу билиг» (Саодатга юлловчи билим) номли асаридаги «Ойтулди ўғли Ўгдулмишга панд беришини айтади» номли ҳикоятида касб-хунар ўрганиш шундай ўғит қилади: «Ўғил-қизга ҳунар ва билим ўргатиш керак, токи бу ҳунарлар билан феъл-атвор гўзал бўлсин». Демак, ота-оналарнинг бурчларидан бири фарзандлари хоҳ ўғил бўлсин, қиз бўлсин, аввало уларга ҳунар ўргатиш билимларидан хабардор қилсин, келгусида ана шуларни ўргангач, уларнинг феъл-атвори, одоб-ахлоқи ҳам гўзал бўлишига эришилди. У яна «ўғил-қиз туғилса, уларни қандай тарбиялашни айтади» номли ҳикоятда шундай тўхталади:

«Ўғил-қизга билим ҳам одоб ўргат,

Икки олам уники, унинг манфаати етарли бўлади,

Ўғилга барча санъат-хунарларни тўла ўргат,

Бу санъат-хунарлар билан у мол-дунёйига беради.

Ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли касб-хунарларни эгаллашга ўргатилиб бориши халқимизнинг бутун тараққиёти тарихида, турли даврларда ҳам муқаддас ақида анъанага айланиб борган.

Мутафаккирлар, алломалар, аҳли донишлар, назариётчи ва амалиётчилар, олимлар томонидан бу соҳада турлича тадқиқот ва изланишлар. Кузатишлар олиб бориб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини асарларида баён қилганлар.

Биз ҳам ўз тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида ёш авлодга касб-хунар ўргатиш, уларни ҳалол, унумли меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнини турли давлатларда турли соҳаларнинг тадқиқ қилиниши даражасини аниқлашда ва кейинги юз йилликдаги даврни кузатиш (таҳлил қилиш)га, қолаверса, мустақил ўзбекистон педагогикасида бу соҳада эришилаётган натижаларни қисман қайд қилиб ўтишга ҳаракат қилдик.

Халқнинг меҳнат анъаналарига, меҳнат байрамларига, ёшларни унумли меҳнат фаолиятига, жараёнига, кишиларига ҳурмат, уларнинг турли касб-хунарларни эгаллашларига дастлабки қадамлар ҳисобланади ва меҳнат тайёргарлигининг муҳим омилидир.

Ёшларнинг меҳнат тайёргарлиги, таълими, тарбияси, уларни касбларга йўналтириш, касб танлаш, эгаллаш, касбий маълумотлар бериш, касбларга мослашишларининг турли масалалари билан турли давлатларнинг турли соҳалари олимлари (фалсафа, психология, педагогика, дидактика, иқтисодиёт ва бошқ.) ҳар хил даврларда шуғулландилар ва шуғулланмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида ҳам узок даврлар мобайнида ёшларнинг меҳнат ва касб тайёргарлиги, уларни унумли меҳнат жараёнидаги фаолиятга тайёрлаш, касб-хунар ўргатиш, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат

қилишга ўргатишга тайёрлашнинг турли масалалари билан кўпгина олимларимиз шуғулланадилар.

Коллеж ўқувчиларининг меҳнат тайёргарлиги политехник таълим, уларнинг ижтимоий-фойдали унумли меҳнатини ташкил этишнинг замон ўзгаришларига уйғунлашган ҳолдаги мазмуни, шаклини усул ва воситаларини ишлаб чиқиш масалалари мустақил давлатимиз педагог-олимлари олдидаги, давлат масштабидаги масала бўлиб қолмоқда.

Асрлар мобайнида ўзининг илғор маданияти, миллий қадриятлари, ўзлигининг ноёб белгилари, кўринишлари бўлган урф-одатлари, амалий санъати, халқ ҳунармандчилигининг бой мероси билан халқимиз фахрланиб, эъзозлаб, улуғлаб келади.

Турли олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилиб, халқ усталари, ҳунармандлари томонидан ривожлантириб, кенгайтирилган, халқ миллий амалий санъати, халқ безак санъати, бадиий санъат каби жуда кўп хилдаги номланиб келган халқ ҳунармандчилиги асосларини ҳозирги замон халқ таълими тизимидаги ўрта (умумтаълим, ҳунар, махсус) мактаблари ўқув дастурларида мустақил предмет сифатида ўз аксини топмаган. Халқ ҳунармандчилигининг турли соҳаларини, йўналишларини, қирраларини турли давлатларда олимларимиз илмий тадқиқотларини ёритдилар.

Шуни айтиш мумкинки, халқ ҳунармандчилиги турли соҳаларини (гиламчилик, наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, суяк ва металл ўймакорлиги, каштачилик, миллий пазандачилик асослари, миллий қандолатчилик, эгар-жабдуклар тайёрлаш, сўзаналар тикиш, пичоқ тайёрлаш, темирчилик, кандакорлик, рехтагирлик (кўнғироқсозлик), чармдўзлик, этикдўзлик, дўппи ва чопонлар тикиш, миллий иморатсозлик, сандиқлар ва бешик ясаш, миллий деҳқончилик асослари ва бошқалар (дидактик-услубий асослари тизимлаштирилган ҳолда яратилган эмас. Бу соҳаларнинг мактабларда (умумий ўрта, махсус, ҳунар, олий) қўлланилишининг илмий-педагогик асослари, методик йўллари, воситалари, мазмуни, услублари

бутунлигича мужассамлантирилган ҳолда шакллантирилмаган. Халқ хунармандчилигининг турли соҳаларини амалиётга қўллаш, ёш авлодга ўргатиш жараёнида меҳнат таълими, тарбияси ва бошқалар бир бутун тизим ҳолида ишланмасдан таълим тизимида қўлланилмасдан келмоқда. Зеро, давлатимизнинг мустақил республика сифатида шаклланиши, турли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳар бир халқнинг миллий қадриятини улуғлаш даври етилганлигини кўрсатади.

Ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув дастурларида ўқув услубий қўлланмаларида, дарсликларида халқ хунармандчилиги ўқув элементлари киритилмаган ёки жуда ҳам кам киритилган.

Биз ўқув элементлари деб, шартли равишда ўқув машғулот мавзуларини, қўлланма бобларини, синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар номларини номлаб олдик.

Ҳозирги пайтда меҳнат таълими дарслари мактабларда 3 катта гуруҳда йўналишда ташкил этилмоқда:

1) техникавий меҳнат – қоғоз ва картон билан ишлаш, ёғоч билан ишлаш, металллар билан ишлаш, станоклар ва механизациялаштирилган усулларда материалларга ишлов бериш, электротехника ишлари автоматика элементлари ва х.к.;

2) қишлоқ хўжалиги меҳнати бир йиллик ўсимликларни экиш ва ўстириш, агрономия, ершунослик, чорвачилик асослари очиқ ва ёпиқ тупроқда деҳқончилик ва х.к.;

3) маиший хизмат меҳнати – уйшунослик, озиқ-овқатлар билан ишлаш, кулинария асослари, газламалар билан ишлаш ва бошқалар.

Халқ хунармандчилиги бўйича ўқувчилар унумли меҳнатини ташкил этиш йўллари, мазмуни, воситалари, услублари жорий таълим дастурларида, ўқув қўлланмаларида ҳамда дарсликларда акс эттирилмаган.

Кузатиш ва таҳлиллардан маълум бўлдики, коллеждаги ўқув машғулотларга, дасрдан ташқари машғулотларга, унумли меҳнатни ташкил

этиш шаклларига миллийлик руҳи ва мазмуни халқ хунармандчилигининг маҳаллий шароитларда ташкил этилишига раҳбарликка, ташкилотчиликка тайёрланиш услубияти ишлаб чиқилмаган.

Замонавий меҳнат таълими дарслари мазмунига ва мақсадига қўйидаги типларга бўлинади:

1-тип. Назарий билимларни ўзлаштириш дарслари;

2-тип. Амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, ривожлантириш дарслари;

3-тип. Ишлаб чиқариш, унумли меҳнат дарслари;

4-тип. Дарсларни бевосита синфларда, касб танлаш кабинетларида, дала шийпонларида, машина-трактор саройларида назарий машғулотлар (лексия, суҳбат, ҳикоя ва х.к. лар кўринишида) сифатида, ишлаб чиқариш саёҳатлари, йўл-йўриқлар жараёнида ташкил этилади;

5-типдаги дарслар ўқув устахоналарида, мактаб тажриба ер участкасида, меҳнат таълимидан ташкил этиладиган тугаракларнинг амалий машғулотлар ўтказиш кабинетларида, илмий-техникавий, ўқув-услубий адабиётлар, инструксион, технологик, маршрутли карталар билан ишлаш касбий маҳоратини ошириб бориш, техникавий ва технологик, политехник мазмундаги масалаларни ечиш, турли хил материалларга ишлов бериш асбоблар ва ускуналар билан ишлаш жараёнида малака ва кўникмаларни (умуммеҳнат, хусусий, касбий махсус) ҳосил қилиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш йўналишида олиб борилади.

3-типдаги дарслар – устахоналарда, оталик корхоналари (давлат, хусусий, ижара хўжаликларида)нинг ишлаб чиқариш сеҳларида, ўқув ишлаб чиқариш ташкилотларида, корхоналарнинг мавсумий ишларида, оила, ижара, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликларида, кооперативларида, якка тартибдаги ёлланма меҳнатда иштирок этиш жараёнида ва бошқа кўринишларда ташкил этилиши мумкин.

Ёшларни келажак ҳаётга, меҳнатга маълум касб хунарга тайёрлаш

ишида, уларга халқ хўжалигининг тузилиши, ҳозирги замон ишлаб чиқариши, янги техника, илғор технология, автоматика элементлари, турли материаллар ва асбоб-ускуналар, жиҳозлар, қурилмалар билан танишиш ва ишлаш, ишлаб чиқариш, унумли меҳнат касблари, касб эгалари ҳаёти ва фаолияти ва х.к. лар билан таништиришда меҳнат таълими дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар муҳим рол ўйнайди.

## **1.2. Халқ хунармандчилиги, унинг ривожланиши ва анъаналаридаги ўзига хослик**

Мамлакатимизда хунармандлар учун яратилаётган қулайликлар халқимизнинг бой ва бебаҳо меросини қайта тиклаш ҳамда миллий анъаналаримизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хунармандчилик юртимизда азал-азалдан яхши ривожланган. Шу соҳа орқали рўзгор тебратиб, оиласини ва эл-юрт манфаатини таъминлаб келган аجدодларимиз ўз касбу кори ва хунарини авлоддан-авлодга мерос қолдирган, фарзандларига болалигидан касб-хунар ўргатган.

Ҳукуматимиз томонидан халқ хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, кенг имконият ва имтиёзлар миллий қадриятларимизни эъзозлаш, ривожлантириш ҳамда келгуси авлодларга безавол етказишга хизмат қилмоқда.

Истиқлол шарофати билан хунармандчилик ривожда янги давр бошланди, халқ хунармандчилиги бозор қоидалари замирида қайтадан тикланди. Ўзбекистонда маҳаллий саноат корхоналарининг биринчилар қатори хусусийлаштирилиши натижасида майда давлат корхоналари хунармандларнинг хусусий корхоналарига айлантирилди, янги хунармандчилик корхоналари очилди. Хунармандчилик фақат ички бозорга эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади. Хунармандчиликнинг ташкилий шакли ҳам ўзгарди: кичик оилавий корхона, яқка тартибдаги меҳнат

фаолияти шаклида ривожлана борди.

1997 йилда республика халқ амалий санъати ва ҳунармандлари усталарининг “Усто” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил топди.

Ҳунармандлар дастлаб Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар палатасига, сўнгра Савдо-саноат палатасига кирдилар. Улар махсус ташкилот “Ҳунарманд” Республика уюшмасига бирлаштирилди. Ҳунармандчилик субъектлари Ўзбекистонда тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермер хўжаликларининг ҳар йили ўтказиладиган “Ташаббус” республика кўрик-танловида иштирок этадилар.

Ҳунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида аста-секин деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиқди ва турли ижтимоий-тарихий даврлар доирасида техника ривожини билан алоқадор ҳолда такомиллаша борди. Турли ихтисосликлар (кулолчилик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, кемасозлик, тунукасоzлик ва бошқалар)га ажралди.

Жамият тараққиёти босқичлари, меҳнат тақсимоти билан алоқадор ҳолда ҳунармандчиликнинг 3 тури шаклланган:

- 1) уй ҳунармандчилиги;
- 2) буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик;
- 3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик.

Ҳунармандчилик маҳсулот ва пул муносабатларига кенгроқ тортила бошлаб, табақалашди. Серҳаракат ҳунармандлар бойиб дастлабки мулк соҳибига айланди ва уларнинг устахоналари негизида кичик завод ва фабрикалар вужудга келди. Ҳунармандчиликнинг ривожини бозор иқтисодиётини юзага келтирди ва ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таркибидаги яқка меҳнат фаолияти ҳамда оилавий корхоналардан иборат.

Ўзбекистондаги ҳунармандчилик чуқур ихтисослашган бўлиб, ўзида хилма-хил касб-корларни бирлаштирган. Масалан, терини қайта ишлаш соҳасида кўнчилар, этикдўзлар, маҳсидўзлар, ковушчилар, эгар-жабдукчилар, телпакчилар, пўстинчилар, камарчилар; тўқимачилик соҳасида бўзчилар, атласчилар, гиламчилар, шолча ва наMATчилар; металлни ишлаш соҳасида темирчилар, тақачилар, мисгарлар, чилангарлар, заргарлар каби касблар бўлган. Булар ҳунармандчиликнинг тармоқ структурасини белгиланган.

Шарқдаги мусулмон устахоналарида бўлгани каби Ўзбекистонда чеварлик, каштачилик билан аёллар уйда ўтириб шуғулланишган. Ҳунармандчиликнинг ижтимоий структурасида уста, халфа ва шогирд каби ижтимоий тоифалар мавжуд бўлган. Ҳунармандчиликнинг ички тартиб ва қоидаларини унинг низоми сифатидаги “Рисолалар” белгилаб берган. Ҳар бир касбнинг ўз раҳнамоси, яъни пири ва “Рисоласи” бўлган, авлоддан-авлодга ўтувчи одатлари ва удумларига риоя этилган. Масалан, иш бошлашдан олдин уста ўз пирини ёдга олиб ундан мадад сўраш, шогирдига фотиҳа бериш каби одатларга амал қилинган.

Республикамизда халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш борасида яратилаётган имкониятлар натижасида ҳунармандчилик фаолияти кундан кунга ривожланиб, уларнинг маҳсулотлари экспортга чиқарилмоқда.

Ҳунармандчилик фаолияти – юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг ҳунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятидир. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур имтиёз Ўзбекистон



Республикаси биринчи Президентининг 2005 йил 28 мартдаги “Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3588-сонли фармони билан тасдиқланган хунармандчиликнинг асосий қуйидаги 25 та фаолият тури рўйхати асосида қўлланилади<sup>4</sup>:

- 1) ганч ўймакорлиги;
- 2) ёғоч ўймакорлиги;
- 3) суяк ўймакорлиги;
- 4) тош ўймакорлиги;
- 5) ёғочдан халқ хунармандчилиги буюмлари ясаш;
- 6) металл ва тунукадан буюмлар ясаш;
- 7) қилич, ханжар ва пичоқ ясаш;
- 8) зарб, ўйма тасвир (чеканка) усулда ясалган буюмлар;
- 9) чинни (фарфор), сопол ва ганчдан буюмлар ясаш;
- 10) қимматбаҳо металлдан заргарлик буюмлари ясаш;
- 11) қўлда гилам тўқиш;
- 12) қўлда газлама ва тўқма буюмлар тўқиш;
- 13) шиша буюмлар тайёрлаш;
- 14) зардўзлик буюмлари тикиш;
- 15) каштачилик, каштадўзлик;
- 16) матога гул босиш ва чокли буюмлар тикиш;
- 17) миллий халат (чопон) ва бош кийимлар тайёрлаш;
- 18) мусиқа асбоблари ясаш;
- 19) миниатюралар, расмлар (тасвирли), орнаментли (нақшли) ва сирли безаклар бериш;
- 20) ҳажмли ва фигуралар (шаклдор) қолиплар (андозали) қўйма буюмлар ясаш;
- 21) кичик ҳайкалчалар ясаш;

---

<sup>4</sup> <http://sharh.uz/jamiyat/item/358-хунармандчилик-фаолияти-учун-имтиёзлар>

- 22) ўйинчоқлар яшаш;
- 23) новдалардан буюмлар тўқиш;
- 24) теридан буюмлар ва оёқ кийимлари тикиш;
- 25) совға (сувенир) эсдалик буюмлари тайёрлаш;

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, унда оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилиниши белгиланди.

Хунармандчилик азалдан эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимотида ўзига хос ўрин тутган. Эркаклар аксарият ҳолда бозорда сотиш учун, хотин-қизлар эса оила эҳтиёжи учун мўлжалланган маҳсулотларни тайёрлаш билан шуғулланган. Кулолчилик, кандакорлик, заргарлик, газлама ишлаб чиқариш, тикувчилик устахоналарида кийим тикиш, зардўзлик, наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги фақат эркаклар шуғулланадиган иш саналган. Хотин-қизлар эса каштадўзлик, гилам тўқиш, дўппидўзлик, наMAT босиш, сопол идишлар яшаш билан банд бўлган.

Хунармандчилик ишлаб чиқаришида аёллар жуда фаол. Хотин: қизларни янги иқтисодий шароитга кўниктириш мақсадида бу жараён давлат миқёсида ҳам, халқаро жамғармалар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Бундан мақсад даромадни кўпайтириш ва хотин-қизлар ижтимоий мавқеини кўтариш ҳамда анъанавий санъатни тиклашдир.

Хунармандчилик ишлаб чиқариши буюмлари кундалик турмушимизга файз, жозиба бахш этиши аниқ. Айнан анъанавий амалий санъат туфайли глобаллашув жараёни ғоят тез асримизда замонавий маданиятдаги ўзига хослик, ранг-баранглик сақланиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-идтисодий тараққиётнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар маънавий маърифий мафкуравий касбий жиҳатда мутлақо янги замон кишисини шакллантиришини тақозо

этади. Ҳозирги замон ёшларини миллий, шарқона тарихи қадриятларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий руҳда тарбиялаш ҳамда ижобий инсоний фазилатларга эга бўлган касб соҳибларни тайёрлаш муаммоси давлат миқёсидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда республика ҳукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданият, қадрият, миллий санъат намуналаридан, ота-боболар томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Тарихдан маълумки, хунармандлар маҳаллаларга бўлиниб яшаганлар. Ҳар бир хунарда маҳалладаги кўни-кўшнилари ўртасида рақобат бўлган. Чунки кимнинг маҳсулоти сифатли бўлса халқ ўшанинг ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиб олган. Шунинг учун ҳар бир уста сифатли маҳсулот тайёрлаган. Ҳар бир устанинг ўз растаси бўлган. Бозорда, одатда, бозор беги бўлан. У барча расталарга киритилган молларни кузатиб уларга нарх белгилаб чиққандан кейин савдо-сотик бошланар эди. Сифатсиз маҳсулот ишлатган устанинг бозори касодга учраган. Наққошлик ўтмишда халқ усталарининг энг билимдони ҳисобланган. Чунки улар мадрасада таҳсил олиб, адабиёт, тарих, мусиқа, математика, кимё фанларини яхши билганлар. Наққошлик технологияси авлоддан-авлодга отиб келган. Қадимда наққошлар нақш яратиш сир-асрорларини ёзиб қолдирмаганлар. Фақатгина шогирдлари билган. Шогирдлар уста бўлганларидан сўнг, улар ҳам ўзларига қарашли шогирдларга ўргатганлар.

Хуллас, касбнинг авлоддан-авлодга мерос қолиши анъана ҳолда ривожланиб келган. Устага шогирдликка беришда қуйидаги урф-одатга риоя қилинган. Болани устанинг олиб боришда ўзига яраша тантанавий маросим болган. Болани ота-онаси ҳамда қариндош-уруғлари “бўй” диган бўғирсоқ ва ҳолвайтар қилиб, устанинг ҳузурига келганлар ва “боланинг гўшти сизники,

суяги бизники” қабулида гаплар билан уста ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириқлар ўша пайтдаёқ биргаликда танаввул этилган. Уста болага хунар ўргатишдан ташқари, бутун ўқиш давомида уни озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Касб ўрганиш текин олб борилган.

Устоз шогирдга қаттиққўл ва талабчан бўлган. Чунки ҳар бир хунарни ўта нозик дид ва сабр-тоқат билангина ўрганиш мумкин эди. Усталар шогирдлар учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар. Масалан, иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номаъқул ишларга яқин йўлламасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга қўл урмасликни қатъий талаб қилганлар. Уста шогирдига фақат хунар сирини ўргатишдан ташқари, уй-юмуш ишларини бажаришга ҳам тайёрлаб броган.

Шогирд санъат сирларини пухта эгаллаганидан сўнг, унга оқ фотиҳа берилган. Маросимда устозга шогирд бош-оёқ сарпо, тугун инъом этган. Баъзида устоз, шогирди мустақил иш бошлашда қийналмаслиги учун, шу касбда ишлатиладиган асбоб ва андозалар берар эди. Агар оқ фотиҳа олган баъзи бир шогирд мустақил ишлашни хоҳламаса, устозникида қолиб ишлайвериши мумкин бўлган.

Шу мақсадда республикаимиз ҳукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, кадриятларимиз миллий санъатимиз намуналаридан, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъати намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Бизнинг илмий изланишларимиз шуни кўрсатадики, қадимда аждодларимиз уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатиш бўйича бой тажрибага эга бўлганлар. Лекин, биз кейинг вақтларда аждодларимизнинг бой меросидан ҳамда тажрибаларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Шулардан бири устоз-шогирд анъаналарини чуқур ўрганмаганлигимиздир.

Аждодларимиз тажрибалари ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди. Бундан ташқари аждодларимиз бой тажрибаларини ҳозирда ҳунар ўргатилаётган жойларда чунончи олий ўқув юртларида, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида, шахсий уста-шогирд анъанаси асосида ўргатаётган устахоналарда устоз-шогирд одоби тўлиқ ўргатилмаслиги ўувчи-ёшларимизни ахлоқ-одобга ва билим даражасига, умуман, уларнинг маънавиятини шаклланишига салбий таъсир этаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шунинг учун аждодларимиз қолдирган маънавий меросдан тўғри ва унумли фойдаланиш чунончи, ишлаб чиқарилган “Устоз шогирд одоби” медали асосида ўқувчи ёшларнинг шахсий ва касбий фазилатларида куйидаги нисбий ўзгаришлар рўй беради; аждодларимиз маънавий меросига бўлган ҳурмат-еътибори кучайди; ўз ота-онасига, устозига, ўртоқларига, хуллас инсонларга бўлган ҳурмати ошади. Уларнинг шу ҳунарни қиёмига етказиб ўрганишларида асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу устоз ва шогирд одоби мезонларини маънавият хоналарида, устахоналарда, ижодиёт хоналарида деворий кўрғазма сифатида қўллаш мақсадга мувофиқдир. У ҳар бир касб-ҳунар ўрганаётган шогирдларнинг ёнида бўлиши лозим.

### **Шогирднинг устоз олдидаги бурч ва вазифалари.**

1. Устозга итоатли бўлиш.
2. Устоз анъаналарини давом эттириш.
3. Устознинг панд насиҳатларига амал қилиш.
4. Устозга тақлид қилиш.
5. Сабр-тоқатли бўлиш.
6. Иродали бўлиш.
7. Устознинг юзини ерга қаратмаслик, аксинча унинг обрўсини кўтариш.
8. Устоз шаънига илиқ сўзлар айтиш.

9. Устознинг душмани билан дўст тутунмаслик.
10. Устознинг оила аъзоларини ҳурмат қилиш.
11. Устознинг қариндош уруғларини ҳурмат қилиш.
12. Устознинг рухсатисиз ҳеч нарсага қўл текизмаслик.
13. Бировнинг нарсасига кўз олайтирмаслик.
14. Устозга чексиз ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

**Устознинг касбий вазифалари.** Осон йўл билан мураккаб билимларни шогирдларга ўргата олиш; барча ҳунар ва фан турлари юзасидан муйян билимга эга бўлиш; қисқа дақиқаларда шогиртларни идрок қила олиш фазилати; шогиртларни уюштира олиш ва бошқариш истеъдоди; ихчам маънони, оҳангдор, муйян ритм, темп, частотага эга бўлган нутқ; ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақл фаросатлилиги, мустаҳкам иродаси билан обрў ортттириш, ўқувчанлиги, муомала ва мулоқот ўрната олиш; инсоний қиёфаси, ҳаракатлари ва қилган ишлари асосида келажакни оқилона тасаввур қилишдан иборат башорати; бир неча объектларга бир даврнинг ўзида шахсий муносабатни билдириш ўқуви; иймон-эътиқодга фаол ҳаётий жараёнларга йўналтириш қобилияти; ташббусга, ижодга илҳомлантира олиш; билимдонлик, таълим ва тарбия ишларини олдиндан айта олиш, тадқиқотга лаёқтлилиқ, яъни ўз ҳунарига янгиликлар кирита олиш, ўз ҳунарига, қизиқиши ва уни ёшларга ситқи дилдан ўргата олиш; соҳаси бўйича ўзидан кейин содиқ шогиртлар қолдириш ва бошқалар.

### **1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга ҳунар ўргатишнинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти**

Демократик йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида жамиятда ўз ўрнини топаётган ёшларнинг аниқ мақсадли касбий йўналиши ва дунёқараши нафақат оиласи, балки жамият тараққиётининг ҳам кафолатларидан биридир.

Бугунги кунда янгича иқтисодий-ижтимоий тасаввурларга эга бўлган

ёшлар бозор иқтисодиёти тушунчалари асосида теран фикрлаб, уларни кундалик турмушларига тобора сингдириб бормоқдалар. Аммо, шуни айтиш керакки, янгича муносабатлар ҳамда меҳнатга ва касб-корга янгича қараш ўз-ўзидан шаклланавермайди. У бир томондан, мақсадга қаратилган ва режалаштирилган таълим жараёнининг билвосита маҳсули бўлса, иккинчи томондан, қобилият, зеҳн ва оилавий муҳитнинг бевосита маҳсулидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг келажагини порлоқ бўлиши, авваламбор, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий соҳалардаги юксалишларга боғлиқ. Бунга эришиш эса ўз навбатида, меҳнат муносабатларини касбий нуқтаи-назардан тўғри йўлга қўйишга, яъни, меҳнат тақсимотларини бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатларига, унинг талабларига мос ҳолда амалга оширилишига боғлиқ.

Бугунги кунда демократик давлат куриш манфаатларига мос келадиган барча касб-ҳунар турларига эҳтиёж кун сайин кўпайиб, ортиб бормоқда ва унга кўндаланг ҳолда жамият ҳам ёшлар профессионал заковати ва қобилиятига нисбатан талабларни кўймоқда. Барча турдаги касб-ҳунар эгаларидан ташаббускорлик, маҳорат, ижодий кўтаринкилик, рақобатбардошлилик, давр талабларига мослаша олиш каби сифатлар талаб этилмоқда.

Мамлакатимизда миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш, жумладан, ҳунармандларнинг ўз анъаналарини ўсиб келаётган ёш авлодларга етказишлари, аждодлар меросига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги кенг миқёсли ҳиссалари муносиб баҳоланмоқда.

Мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар ҳунармандчилик сўнмас соҳа эканлиги, унинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрни ҳамда аҳамияти мавжудлигини яна бир бор исботлади. Қўшимча касбга тайёрлаш, ҳунар ўрганиш ва меҳнат жараёнида ёшлар ўзининг шахсий сифат,

фазилатларига мос келадиган меҳнат турини танлашлари орқали жамиятда ўз ўрнини топтоқда.

**Бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатлари даврида миллий ҳунармандчилик негизда ёшларни қўшимча касбга тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилаётганининг бир қатор илмий-назарий ва амалий асослари мавжуд:**

– мустақиллик шарофати билан маданий-маънавий кадриятларни сақлаш, халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва уларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда;

– бугунги бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, унинг ривожланиш моҳияти ва мазмуни сифатли, мустаҳкам ва энг асосийси кўп мақсадли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган;

– бозор ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари билан глобаллашув жараёнининг муаммо ва мақсадлари ўзаро сабаб-оқибат боғланиш хусусиятларига эга. Бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатлари изчиллик билан миллий ишлаб чиқариш маҳсулотларини хусусийликдан умумийликка қараб тараққий эттиради ҳамда ривожлантиради;

– бозор иқтисодиёти давридаги глобаллашув характери касб-ҳунар турлари масаласида ҳам умуминсонийлашув жараёнларига олиб келади. Айрим ҳолатларда миллий касб-ҳунар бошқа миллатлардаги ана шу касб-ҳунар тажрибалари билан бойитилиб, ассимиляция қилиниши мумкин. Бундан ҳар иккала миллат ҳам манфаатдор бўлади.

Мамлакатимиз миқёсида ижтимоий-иқтисодий муваффақиятларга эришишда аждодларимиз тажрибасига доир меҳнат-касб танлаш анъаналарини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Унинг устувор жиҳатлари қуйидагиларда акс этади:

– бозор иқтисодиёти шароитида миллий маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини оширишда шахсий ташаббусга асосланиш, миллий кадриятларга



кўра маҳсулот сифатини ва меҳнат самарадорлигини оширишни “устоз-шогирд” кичик гуруҳлари орқали таъминлаш имконияти мавжудлиги;

– бўлғуси мутахассисларнинг касбий-технологик тайёргарлигига, уларнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларини янги шароитга мослаш олишда “устоз-шогирд” тизими бўйича мутахассисни аввало шахс сифатида шакллантиришга ҳаракат қилиниши;

– миллий ҳунармандчиликда ўзининг ижобий, афзал томонларини намойиш этиш, ўз ишининг маҳоратли устаси бўлишга интилиш, касбидан фахрланиш ва қониқиш ҳисси ҳамда ушбу касбнинг шахсан ўзига ва жамиятга қандай наф келтиришини аниқ тасаввур қилишга интилишни юқорироқ бўлиши;

– аждодларимиз тажрибаларида устоз ўз шогирдларини меҳнат натижаларига масъулият билан қарашга, гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишга, бир вақтнинг ўзида лидерлик сифатларини ҳам шакллантиришга амалий фаолиятда ўргатганлари ва ҳок.

Маълумки, бозор ижтимоий-иқтисодий муносабатлари даврида миллий ҳунармандчилик негизида ёшларни қўшимча касбга тайёрлашда меҳнатга муносабат ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсонда меҳнатга бўлган муносабатнинг ҳарактер ва мазмуни моддий ҳамда маънавий омилларнинг бирлигида шаклланади. Инсон ўз олдига онгли равишда муайян мақсадга қаратилган аниқ вазифа қўйиб, меҳнат жараёнида уларга эришиш учун ўзининг жисмоний ва маънавий кучини сафарбар этади. Тадқиқотчи Ф.Турғунбоевнинг фикрича: “Одам муайян бир шароитда, меҳнат фаолияти юритишда ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланади. Бу табиий эҳтиёж туфайли инсон ўзига мос келадиган меҳнат қуролларига шахсий эгаллик қилиш, инсонда меҳнатга муносабатнинг ҳарактер ва мазмунини белгилайди. Инсоннинг касб-ҳунар танлашида ҳам меҳнатга муносабат муҳим роль

ўйнайди”.<sup>5</sup>

Бу борада ёшлардаги индивидуал шахсий лаёқат ва қобилият муҳим роль ўйнасада, бозор иқтисодиёти шароитида ташкилий равишда маҳаллий меҳнат бозори, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ўрганиб бориш, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, шунингдек, ёшларни қўшимча касбга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик масалаларини мунтазам тадқиқ этиб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Ёшлар қўшимча касб-хунарни ўрганишга киришар экан, аввало ҳудудий меҳнат бозорини ҳам ўрганиб боришлари лозим. Ҳудудий меҳнат бозори ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаштириш ишлари жараёнида, энг аввало, бозор иқтисодиёти шароитида ўтказилаётган ислохотларнинг чуқурлашиши билан боғлиқ ҳолда қандай ўзгаришлар содир бўлаётганини, бу ислохотларнинг ҳудудий ва маҳаллий миқёсдаги меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифга, шунингдек, ишчи кучи сифатига таъсир кўрсатадиган меҳнатнинг хусусияти ва мазмунига таъсирини аниқлаш зарур. Бу борада ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф муҳим ўрин тутати.

**Ишчи кучига бўлган таклифни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:**

- меҳнат фаолиятига эндигина киришаётган ёшлар;
- илгариги иш жойидан бўшаган ишчи-ҳодимлар;
- илгари ишламаган ва ишга жойлашишга муҳтож бўлган аҳоли қатлами.

**Ишчи кучига бўлган талаб қуйидагиларга асосан аниқланади:**

- давр талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, янги объектларни ишга тушириш ва янги иш жойларини ташкил этиш;

---

<sup>5</sup> Турғунбоев Ф. Ўзбекистонда меҳнат менталитетининг янгиланиш хусусиятлари. Фалсафа фанлари докт. дисс. – Т.: 2006 й., 48-бет.

– аниқ касблар бўйича ишчиларни ишга олиш бўйича тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларнинг буюртмалари;

– табиий равишда ишдан озод бўлган ишчилар (ёки миграция туфайли ишдан бўшаганлар)нинг ўрнига янги ходимларни ишга олиш.

“Ҳозирги вақтда дунёда ҳар хил соҳаларда ишга жойлаштириш технологиялари ва методикаси бўйича улкан тажриба тўпланган. Кўпчилик мамлакатларда ишга жойлаштириш ва иш билан таъминлашнинг бутун бир тизими мавжуд ва фаолият кўрсатмоқда. Бу тизим меҳнат биржаси, ҳар хил малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини, маслаҳат бериш марказлари ва ишга жойлаштириш фирмаларини, маълумотларнинг электрон базасини, ушбу мавзулар бўйича турли адабиётларни ва кўплаб бошқа жиҳатларни ўз ичига олади”.<sup>6</sup> Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ушбу соҳада талайгина ишлар қилинди ва тажрибалар тўпланди, шу билан бир қаторда бугунги кунда ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш лозим. Бу эса ўз навбатида қўйилган вазифаларни пухта ўйлашни, янги, самарали ёндашувларни излашни, ҳар бири бўйича тегишли тартибда чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу муносабат билан хорижий давлатларнинг бой тажрибаларини ўрганиш орқали ундан бизнинг шарт-шароитларимиз учун мақбул бўлган элементларни олиш фойдадан ҳоли эмас.

Бугунги кунда сифатли ҳунар ўргатишга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу борада ижтимоий ҳамкорлик самарадорлиги жамият, таълим муассасалари, иш берувчилар, иш билан таъминлаш билан боғлиқ бошқа ижтимоий гуруҳлар қанчалик ўзаро ҳамкорлик қилишларига, бунинг учун ўз саъй-ҳаракатларини аямасликларига, жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида бундай ҳамкорликнинг зарурлигини англаб етишларига боғлиқдир. Масалан ижтимоий ҳамкор сифатида “Ҳунарманд” уюшмасининг

---

<sup>6</sup> Хўжаев А.А., Йўлдошев Х.О. Ижтимоий ҳамкорлик ва касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг амалий кўникмалари. –Т.: 2006 й. 5-бет.

мақсад ҳамда вазифалари халқ усталари ва ҳунармандларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш, уй шароитида ишлаш учун қулайлик яратиш (касаначилик), зарур хом-ашё асбоб-ускуналар билан таъминлаш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилишга ёрдам бериш, мамлакатда ва хорижда халқ ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотларни кенг тарғиб, КХК битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш, ёшларни қўшимча касбга ўргатишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳунармандчилик негизида ёшларни қўшимча касбга тайёрлаш ишларига масъул соҳа мутахассислари томонидан қуйидаги **тавсиялар** асосида кетма-кетликдаги ҳаракат (иш)ларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- мавжуд касблар бўйича талаб ва таклифлар тўғрисида маълумотларни йиғиш;

- яқин келажакда талаб этиладиган касблар рўйхатини шакллантириш;

- КХК битирувчиларини ишга жойлашиш имкониятларини баҳолаш;
- янги касбларга ўргатиш учун махсус шароитларни таҳмин қилиш;
- қўшимча касбни эгаллашга эҳтиёжи бор ёшларни аниқлаш, қизиқиши, мойиллиги ва қобилиятини инобатга олиш;

- аслида ўзи бошқа мутахассислик эгаси бўлган, аммо халқ ҳунармандчилигига қизиққан, ҳунармандчилик маҳсулотларини яратиш бўйича мустақил фикрига эга бўлган, миллий маҳсулотлар бозорини яхши билган шахсларни ҳам қайта тайёрлашга жалб этиш;

- кичик мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш учун ўқув курслари ва марказлар яратиш;

- мазкур жараёнда тажрибали, машҳур ҳунармандларнинг иштирокини таъминлаш (улар ҳақидаги электрон базани яратиш ҳам мумкин);

– ҳунар ўргатиш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш ҳамда устувор жиҳатларини амалиётга татбиқ этиш;

– янги техника ва технологиялар асосида замон талабида даражасида касб-ҳунар ўргатувчиларнинг савияси ва малакасини мунтазам ошириб бориш;

– ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

– мунтазам равишда тизимли мониторинг жараёнини йўлга қўйиш, ютуқ ва камчиликларни ташхислаш ва ҳок.

## **БИРИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА**

Замонавий шароитда ҳунар ўрганиш ва унга муносабат жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзининг бунёдкорлик, яратувчанлик ислоҳотчилик кудратини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ёшларни меҳнатсевар, ташаббускор, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган қилиб тарбиялаш, айниқса уларда касб танлашга онгли муносабатни шакллантириш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Бугунги кунда сифатли ҳунар ўргатишга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу борада ижтимоий ҳамкорлик самарадорлиги жамият, таълим муассасалари, иш берувчилар, иш билан таъминлаш билан боғлиқ бошқа ижтимоий гуруҳлар қанчалик ўзаро ҳамкорлик қилишларига, бунинг учун ўз саъй-ҳаракатларини аямасликларига, жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида бундай ҳамкорликнинг зарурлигини англаб етишларига боғлиқдир.

Ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли касб-ҳунарларни эгаллашга ўргатилиб бориши халқимизнинг бутун тараққиёти тарихида, турли даврларда ҳам муқаддас ақида анъанага айланиб борган.

Мутафаккирлар, алломалар, аҳли донишлар, назариётчи ва амалиётчилар, олимлар томонидан бу соҳада турлича тадқиқот ва изланишлар. Кузатишлар олиб бориб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини асарларида баён қилганлар.

Биз ҳам ўз тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида ёш авлодга касб-ҳунар ўргатиш, уларни ҳалол, унумли меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнини турли давлатларда турли соҳаларнинг тадқиқ қилиниши даражасини аниқлашда ва кейинги юз йилликдаги даврни кузатиш (таҳлил қилиш)га, қолаверса, мустақил ўзбекистон педагогикасида бу соҳада эришилаётган натижаларни қисман қайд қилиб ўтишга ҳаракат қилдик.

## **2 БОБ. ҲУНАРМАНДЧИЛИК АСОСИДА ЁШЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**

### **2.1. “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатишнинг устувор жиҳатлари**

Ўзбекистон Республикасида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши, шунингдек ёшларни самарали меҳнат қилиш, мақсадли касб-кор эгаллашга йўналтириш тизимини такомиллаштириш – иш билан бандликни таъминлаш ва кадрлар малакаларига қўйиладиган сифат талаблари ошиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида янада муҳим аҳамият касб этади.

Фан-техника тараққиёти асрида ишлаб чиқариш соҳасининг жадал суръатларда ривожланаётганлиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва технологиялаштириш, илм-фан ва маданиятни юксалтириш соҳасидаги қўлга киритилаётган ютуқлар ёшларнинг қизиқишлари ва қобилиятларига таъсир кўрсатиш билан бир қаторда даврнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб касб танлашлари учун амалий жиҳатдан чексиз имкониятларни яратмоқда.

Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий қиёфаси кўп жиҳатдан кадрларнинг юксак, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш тизими мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан-техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиши лозим.

Тажрибалардан маълумки, инсон ўз иш фаолиятига нисбатан ижодий муносабатда бўлиб, танлаган касбига зўр қизиқиш билан қараса, касбининг жамият ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини англаб етса, малакалари меҳнатда такомиллашиб борса, ҳам ўзига, ҳам эл-юртига шунча наф келтиради.

Истиқлол шарофати билан аجدодларимиз томонидан асрлар давомида яратиб келинган бебаҳо маънавий мерос, унутилган қадриятларни

қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш масаласи ҳукумат даражасига кўтарилди. Илдизи қадим ўтмишдан қувват олган “Устоз-шогирд” муносабатлари ҳар қачонгидан кўпроқ мустақамланмоқда, билим беришда замонавий таълимни маънавий кадриятлар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қадим Шарқ халқларида устоз, пир, муршид, мударрис, муаллим номлари билан юритилувчи зотларнинг кадр-қиммати ҳамиша юқори бўлган. Асрлар давомида шаклланиб, миллий кадрият даражасига кўтарилган “Устоз-шогирд” анъанаси қадимдан турли соҳаларда малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ўқитиш-ўргатишнинг синалган ва самарали шакли ҳисобланади. Азал-азалдан ота-боболаримиз нафақат ҳунар ўрганиш, ҳатто илм олишда ҳам “устоз-шогирд” анъанасидан самарали фойдаланиб, юксак натижаларни қўлга киритганлар.

**Анъана** – кишилар ҳаётида ўзига хос ўрин тутган, авлоддан-авлодга ўтиб такрорланадиган ижтимоий ҳодиса, тартиб ва қоидалар мажмуидир. **“Устоз-шогирд” анъанаси** – илғор ёки зарур иш тажрибани, маҳорат, билим, кўникма ва малакаларни маълум қоида ҳамда келишув асосида индивидуал ўргатиш жараёнидир. Бу борада “устоз-шогирд” анъанасининг устувор жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- инсонпарварлик ёндашуви асосида индивидуал ишлаш;
- ижодий ишлаш, изланиш, таваккалчилик;
- қулайлик, эркинлик, мослашувчанлик.

“Устоз-шогирд” анъанаси ўзининг чуқур тарихий илдизлари ва тажрибасига эга. Айни пайтда бу фаолият кишиларнинг фойда олиш мақсадида, жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёрлари, амалдаги қонунлари доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш борасидаги мустақил ташаббускорлик фаолияти саналади ҳамда ушбу тушунча мустақиллик йилларида тадбиркорликнинг бир қисми сифатида истеъмолда кенг қўлланилиб, кишилар онгида мустақам ўрин эгаллади.

Ўзбекистон республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий



дастури”даги муҳим масалалардан бири – ёшларнинг лаёқатини, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ишидир. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимидаги касб-ҳунарга тайёрлаш уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг жорий этилиши том маънодаги устувор ислоҳот бўлиб, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларнинг лаёқатларини, касб-ҳунарга оид билим ва кўникмаларни ривожлантириш, бир неча замонавий касбларни эгаллашларига имкон беради. Айти пайтда халқимизда ўз фарзандларини ҳунарли қилиб вояга етказиш борасидаги анъана яъни фарзандларни энг муносиб усталарга шогирдликка бериш орқали касб-ҳунар ўргатиш удуми ҳам мавжуд. Чунки халқимизда илму-ҳунар доимо улуғланган ва ҳунар ўрганишга даъват қилинган. Анъанага кўра ота-она ўз фарзандини устозга “эти сизга, суяги бизга” ибораси асосида топширган, “йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз” қабилида иш кўрилган. Шогирд ҳунар ўрганиб, маълум маҳоратга эришгач, устознинг “оқ фотиҳа”си остида мустақил уста сифатида иш бошлаган ва умрининг охиригача бу “оқ фотиҳа”га содиқ қолган. Бу эса ўз ўрнида касбга садоқат, устозга ҳурмат, касб тараққиётининг асоси ҳам эди.

“Устоз-шогирд” анъанаси шогирдлар билан бевосита ишлаш, уларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш, мавжуд иқтидорларининг янада ривожлантирилиши учун қулай шарт-шароитни яратиши билан янада аҳамиятлидир. Бу каби ҳолатлар ёшларда нафақат тадбиркорлик кўникмаларини, балки меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолиятига масъулият билан ёндашиш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат самарадорлигидан ғурурланиш каби маънавий-ахлоқий сифатларни ҳам тарбиялайди.

“Устоз-шогирд” анъанаси барча даврларда ҳам кўп қиррали жараён ҳисобланган ва муносабатлар касбий билим, кўникма, малакаларда ифодаланиб, уларнинг ижтимоий фаоллиги жамият талаблари асосида фаолият олиб боришларида акс этади. Натижада, устоз-шогирдлик анъанаси кўпгина мақсадларни, вазифаларни амалга оширишга қаратилган жараёнга

айланиб боради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш жоизки, устоз нафақат билим беради, касб-ҳунар ўргатади, балки у замонавий шароитда, глобаллашув асрида қуйидаги функцияларни ҳам бажаришига тўғри келмоқда:

– **ахборот берувчи** – касб-ҳунарни жамият ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳақида тушунчалар бериши, замонавий асбоб-ускуналар билан ишлаш тизимини билиши, ҳар бир бажариладиган иш юзасидан аниқ фикр билдириши ва ҳаракатда ифодалаб бериши лозим;

– **ташқил этувчи** – аниқ мақсад сари режа асосида иш кўриши, янгиликларни ҳис қилиши, ташкилотчилик кўникма ва малакаларини эгалланган бўлиши лозим;

– **баҳоловчи** – бажарилган ишнинг сифатини, мақсад ва натижа уйғунлигини кўра билиши, кўникма ва малакаларни эгалланганлик даражасига таҳлилий баҳо бериши керак;

– **тузатувчи** – зарур ўринларда мавжуд лаёқат, индивидуал ўзига хос хусусиятларни пайқаб олиши, йўл кўйилган хатоликларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиши ва керакли томонга йўналтира олиши, ижтимоий жавобгарликни ҳис эта олиши даркор;

– **назорат қилувчи** – билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини аниқловчи, хулосалаш қобилияти эга ва ҳар бир хатти-ҳаракатни кузатувчи бўлиши лозим.

Устознинг қадр-қиммати, аввало, ёшларни касб-ҳунар ўргатиш ишига кўшаётган ҳиссасининг салмоғи ва сифати билан белгиланади. Демократик ва инсонпарвар жамиятда инсон ўз меҳнатининг салмоғи, сифати ва самараси ҳамда тадбиркорлиги билан қадрланади. Устоз ўз меҳнатининг қадрига етиши, у бажараётган иш жамиятда аҳамиятли эканлигини тушуниши лозим. Устознинг жамият равнақи ва эртанги истиқболига кўшаётган ҳиссасининг салмоғи, у қайси вазифани бажараётганлигида эмас, балки ўз ишини қанчалик пухта, виждонан ва сидқидилдан бажаришига боғлиқ. Зеро, унинг

кадр-қиммати касби-коридан кўра ҳам ўз касбини қандай бажаришига, унинг маънавиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Устоз ҳар бир ишда, амалда ва ҳар қадамда унга амал қилиши зарур. Шу ўринда “устоз-шогирд” муносабатларида устозда шаклланиши лозим бўлган шахсий фазилатлар қуйидагича тавсиф этилди:

– муваффақиятни кўзлаган ҳолда олға одимлаш, мунтазам ўз устида ишлаш ва малакани ошириб бориш;

– шогирдда ўз-ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилишни тарбиялаш;

– шогирдга тарбиявий таъсир кўрсатишда ўзи ибрат ва намуна бўлиши;

– ёшларда бурч, масъулият, жавобгарлик хиссини шакллантириб бориш;

– ижобий қайтувчан алоқани ўрнатишда тарбия усулларида самарали фойдаланиш;

– шогирднинг руҳияти, маънавиятига ижобий таъсир кўрсатиш ва ўз ўрнида талабчан бўлиш.

Замонавий жамиятда инсоннинг ўзига хослиги, такрорланмас индивидуал хусусиятларини инобатга олиш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада ёшларнинг муваффақиятлари, ютуқлари ёки аксинча салбий жиҳат, хатти-ҳаракатларига берилган баҳо ва ўзгаларнинг муносабати муҳим ўрин тутади. **Баҳо** – билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланганлик даражасини муайян мезонлар асосида аниқлаш, таҳлил қилиш ва фаолиятга муносабат билдиришдир. **Рағбат** эса – ҳаракатга ундаш, муайян фаолиятга иштиёқ уйғотиш ва қўллаб-қувватлашдир. Айниқса, “устоз-шогирд” муносабатларида шогирднинг фаолиятига баҳо бериш ва ўз ўрнида рағбатлантириш, айниқса муҳимдир.

**Бу борада баҳо натижасида:**

- ✓ шогирддаги кучли ва кучсиз жиҳатлар аниқланади;
- ✓ йўл қўйилган камчиликлар тузатилади;

- ✓ ўзгалар билан билимлар таққосланади;
- ✓ қийинчиликларни енгиш истаги туғилади;
- ✓ ўз-ўзини таҳлил қилиш сифати шаклланади.

**Шунингдек, рағбат натижасида:**

- ✓ шогирдда ўз-ўзига ишонч юзага келади;
- ✓ ишга нисбатан муносабат ўзгаради, иштиёқ ортади;
- ✓ натижага эришилганлик ошкора тасдиқланади;
- ✓ тенгдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлади;
- ✓ ишнинг натижаси билан қизиқишга ўрганади.

Иқтисодиёт ҳар қандай жамият ҳаётининг асоси ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга устувор соҳа бўлиб, унинг самарали ривожини ўз навбатида ижтимоий муносабатлар мазмунининг бойиши, ишлаб чиқаришга нисбатан илғор қарашларнинг шаклланиши, шунингдек, кишилик фаолияти кўламнинг янада кенгайишини таъминлайди. Шу ўринда тадқиқотчи Н.Хасанованинг қуйидаги фикри ғоят ўринлидир: “Ҳозирги даврда меҳнат бозори ва аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида содир бўлаётган шиддатли ва мураккаб жараёнлар уларни чуқур тадқиқ этиш, илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга самарали жорий этиш ниҳоятда долзарб масала эканлигидан далолат беради”.<sup>7</sup> Гарчи “Устоз-шогирд” анъанаси миллий касбга тайёрлаш ишининг таянч тушунчаси сифатида кўлланилаётган бўлса-да, айтиш мумкинки, унинг этимологик ривожланиши кишилик фаолиятининг муҳим кўриниши бўлган халқ хунармандчилигининг шаклланиши билан боғлиқ. Хунар ўрганиш, касб эгаллаш Шарқ халқлари турмуш тарзида ўзига хос ўрин тутди ҳамда ёшларни муайян ишлаб чиқариш фаолиятига жалб эта олиш хусусиятига кўра муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Шу билан бирга касб-хунар эгаллаш даромадни шакллантириш ва жамғарма орттириш имкониятини берувчи фаолият тури

---

<sup>7</sup> Хасанова Н. Ёш мутахассисларни меҳнат бозоридаги рақобатдошлигини ошириш. Ўқув кўлланма. –Т.: Академия, 2014. 131-бет.

эканлигига кўра бугунги кундаги бозор иқтисодиётининг таркибий қисми – тадбиркорлик билан ўзаро уйғундир. “Устоз-шогирд” анъаналари асосида хунар ўргатиш – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка пойдевор вазифасини ўтайди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, хунарамандчиликда:

- моддий ва интеллектуал мулкка эгадорлик, ўзаро танлаш имконияти мавжуд;

- ишлаб чиқариш характеридан келиб чиқиб тадбиркорлик элементлари акс этади;

- натижаларда умумий манфаатдорлик бор;

- негизида бурч ҳисси, моддий ва маънавий манфаатларнинг уйғунлиги ётади;

- фаолиятнинг кенг қирралиги, ижтимоий аҳамиятга эгалиги ва мослашувчанлик мавжуд.

Ёшларни “устоз-шогирд” муносабатлари асосида қўшимча касбга тайёрлаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиёти шароитида улар келажакда эгаллаши лозим бўлган тадбиркорлик **кўникмаларнинг тавсифномасини** ишлаб чиқилди. Хусусан:

- **ташаббускорлик** – янги ғояларга асосланган ҳолда фаолият кўрсатиш, фаолият маҳсулининг нафақат ўзи, оиласи, балки жамият учун фойдалилигини таъминлаш;

- **таваккалчилик** – қўшимча фойда олиш мақсадидаги ҳаракат, айни вақтда зарар кўриш эҳтимоли борлигини ҳам унутмаслик;

- **мослашувчанлик** – ишлаб-чиқариш жараёнлари, шарт-шароитлар, ижтимоий муҳит ҳамда ривожланган бозор иқтисодиётига мослашиш;

- **синчковлик** – бозорнинг ўзгариб турувчи нарх-наволари, талаб ва таклифларни илғай олиш;

- **эҳтиёткорлик** – ўзи, оиласи ва мамлакат иқтисодиётига ҳеч қандай зарар келтирмаган ҳолда иш юритиши;

– **яратувчанлик** – маҳсулотнинг янги турларини ярата олиши, самарали усулларни ўйлаб топиши, сарф-ҳаражатларни камайтириш йўлларини излаши;

– **бошқарувчанлик** – мақсадга эришишида дуч келган муаммоларнинг сабаби ва ечимларига нисбатан реал баҳо бериш, режали иш тутиш ва оқилона назоратни амалга ошириши;

– **зийраклик** – маҳсулотни яратиш ва сотишда бозор иқтисодиёти шароитлари, талабларига монанд аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга ола билиш.

Бизга маълумки, **ҳамкорлик** – биргаликда, муайян мақсад йўлида бирлашиб ишлашдир. Ҳамкорликда ишлаш фақатгина жамоа ёки муайян гуруҳлар иштирокида ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлиб ишлашгина эмас, балки “устоз-шогирд” муносабатларидаги индивидуал шаклларда ҳам ўз самарасини беради. «Устоз-шогирд» муносабатлари асосида хунар ўргатишда устоз ва шогирдлар ҳамкорлигининг самарали натижаси кўйидагиларда кўзга ташланади:

- мақсаднинг умумийлиги ва ягоналиги;
- ижобий мулоқот малакасининг ортиши;
- муаммоли вазиятларда биргаликда ечим излаш ва қарорлар қабул қилишнинг шаклланиши;
- муваффақиятга эришишда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашишга мотив бериши;
- ахборотнинг икки томонлама алмашинуви;
- ўзаро музокаралар олиб боришда далиллар келтириш;
- ўзаро ишончнинг юзага келиши;
- рақобатсиз фаолият олиб боришга асосдир.

Давлатимизнинг инсон капиталига йўналтирилаётган демократик тараққиёт ва модернизация борасида белгилаган мақсадларига эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч саналган ҳар томонлама етук, баркамол

шахсни тарбиялаш вазифасига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу борада юртимиз номини жаҳонга кенг ёйишда аждодлар томонидан яратилган, асрлар давомида шаклланган миллий анъана ва қадриятларни дунёга намойиш этиш, хориж тажрибалари асосида уни бойитиш, тажриба алмашиш ғоят муҳимдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ўзбек менталитетига хос бўлган “устоз-шогирд” анъанаси асосида касб-хунар ўргатиш жараёнини олиб қарасак, у нафақат минтақавий, худудий характерга эга, балки унинг устуворлиги жаҳон тажрибалари билан ҳам уйғунлик касб этишидир. Хусусан:

– “устоз-шогирд” анъаналари асосида қўшимча касб ўргатиш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талаби сифатида барча халқларга хос;

– умуминсоний мезон ва андозаларга асосланганлиги, илғор тажрибанинг маълум шахс ва халқда ривожланганлиги, умумэҳтиёж ва шахсий манфаатнинг юқорилиги билан ажралиб туради;

– тараққиётни таъминлашда, тажриба алмашишда энг қулай усул ҳисобланади;

– тарихий анъана сифатида жадаллашув жараёнида ҳам ўз ўрнини йўқотмагани, яшовчанлиги билан дунё андозаларига мосдир.

Манбалар таҳлили ва ўтказилган тажриба-синов ишлари натижасида “устоз-шогирд” анъаналари асосида ёшларни қўшимча касбга тайёрлаш – самарали шакллардан бири, деган хулосага келинди. Унинг самарали натижасида: меҳнат маданияти, шарқона одоб-ахлоқ, инсонпарварликни тарбиялаш; якка тартибда ишлаш (индивидуал касбий фаолият)га тайёрлаш; жамоада ишлаш (жамоавий касбий фаолият)га тайёрлаш; ижтимоий касбий фаолликка ўргатиш; кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик кўникмалари шаклланади.

## **2.2. Хорижий мамлакатларда миллий хунармандчиликнинг мақоми ва ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти**

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, дунё миқёсида турли давлатларда таълим сифати, ёшларни касбга тайёрлаш меъёрлари, компетентлигига қўйиладиган талаблар турли нуфузли ташкилотлар томонидан махсус ўрганилади, зарурий индикаторлар белгилаб борилади. ЮНЕСКОнинг “Техникавий касб-хунар таълими тўғрисида”ги Конвенцияси<sup>8</sup>да тақдим этилган ёшларнинг касб-хунар эгаллашида таянилиши зарур бўлган мезонлар касб-хунар эгаларининг касбий компетентлигига бевосита тааллуқлидир. Яъни унда касбий компетентликнинг қуйидаги меъёрлари назарда тутилади:

- меҳнатга ижодий ёндашув;
- ахборот ва маслаҳатлар беришни ташкил этиш;
- малакали меҳнат учун керак бўладиган билим, ҳаракатчанлик, касбий маҳоратни ошириш ҳамда тажриба ва тушунчаларни янгилаб бориш;
- замонавий касб сирларини ўргатиш мақсадида вақти-вақти билан тўхтовсиз таълим ва курслар ташкил этиш;
- индивидуал маданий ривожлантириш мақсадида ижтимоий, иқтисодий ва экологик феъл-атворни тарбиялашга эътибор қаратиш;
- янги педагогик услублардан фойдаланиш;
- дарсликлар, касб-хунар таълими билан ишлаб чиқариш ўртасидаги маҳорат сирларидан воқиф бўлиш ва бошқалар. Шу маънода сўнгги йилларда қандай соҳада тадқиқотлар олиб борилмасин, шу йўналишдаги хорижий тажрибаларни ўрганиш анъана тусига кириб қолган.

Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув-услубий ишлаб чиқариш тизимининг миллий-анъанавий

---

<sup>8</sup> ЮНЕСКОнинг “Техникавий касб-хунар таълими тўғрисида”ги Конвенцияси. 1998 йил, 10 ноябрь.



базасини яратиш ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнини услубий-методик таъминлашга анъанавий-замонавий ёндашув, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш, янги авлод ўқув-услубий кўлланмаларини яратиш, ёш авлодни тарихий, миллий, умуминсоний қадриятлар, бағрикенглик асосида тарбиялашни ўз олдимизга мақсад қилганимиз ҳолда, биз бевосита юқоридаги йўналишдаги ишларни компоратив таҳлил қилишга уриндик.

Ўунармандчилик тадбиркорлигини ривожлантириш ҳар қандай мамлакат учун муҳим, чунки бу соҳа аҳолини иш билан банд этиш билан бирга уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ўзларидаги мавжуд қобилиятни юзага чиқаришга, шунингдек, асрий миллий урф-одат ва қадриятларни авлоддан-авлодга ўтишига ёрдам беради.

Мамлакатимизда ўунармандчилик қадимдан ривожланиб келаётганига қарамасдан, бу соҳани янада ривожлантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан ижодий фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди. Қуйида бу борада тўхталиб ўтамиз.

**Россия.** Россия ўз тараққиётининг барча босқичларида йирик ўунармандчилик марказларидан бири вазифасини ўтаган. Ўунармандлар шаҳар ва қишлоқ ўунармандларига ажратилиб, улар ўз меҳнатлари билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар яратган маҳсулотлар нафақат бирор буюм, балки бетакрор санъат асарлари даражасида ишланган. Россияда кенг тарқалган ўунармандчилик турлари ичида металлга ишлов бериш алоҳида ўрин тутган. Қўрғошин, мис, темир ва чўянга ишлов бериш рус ўунармандларининг муҳим соҳаси эди. Тўқимачилик, терини қайта ишлаш, суюкни қайта ишлаш, ганчкорлик, каштачилик, қўғирчоқбозлик, шишасозлик маҳсулотлари хилма-хил ва харидоргир бўлиб, аҳоли катта қисмининг шу ўунарлар турига ихтисослашувида ўз аксини топган. Йирик қишлоқларда, шаҳарларда усталар

артелларга бирлашиб меҳнат қилганлар. Артель ишлаб чиқаришининг маҳсулотлари, одатда, сифати баланд, нархи эса арзон бўлган. Айнан артеллардан Россиядаги биринчи саноат ишлаб чиқариши пайдо бўлган. Бугун рус халқ санъати асарлари Россия тарихи ва рус миллий ҳунармандчилиги ҳақида кўп нарсани сўзлаш мумкин. Кўплаб халқ ҳунармандчилиги жуда қадимдан мавжуд бўлиб, табиатнинг ўзи инсонга сюжетни ҳам, материалларни ҳам айтиб берган. Ўрмон ҳудудларида токарлик ҳунари, берёза пўстлогига, дарахтга ўймакорлик ҳунари ривожланган. Сифатли тупроқ бор жойларда, керамикага бадий ишлов бериш санъати ривожланган. Зиғир (лён) етиштириладиган Россиянинг европа қисмдаги шимолий туманларда тўр (кружева) тўқиш ривожланган. Урал – темир рудалар ва қўлда ясаладиган тошларга макон жой – чўян қуйиш, курол-аслаҳаларни безаш, тошдан маҳсулотлар ясаш билан машхур ҳисобланади. Суяк ва дарахт ўймакорлиги, тўр тўқиш, каштачилик, ёғоч ва металлга гул солиш, керамика, матоларга гул босиш, тери ва мўйнадан маҳсулот ясаш каби ўнлаб халқ ҳунармандчилигининг турлари мавжуд. Бироқ, дунёда шуҳрат қозонишига улардан баъзи бирлари сабаб бўлган – матрёшкалар, хохлома каштачилиги, гжел керамикаси, палехск миниатюраси, жостово патнислари, павлова шолрўмоллари, вологда тўрлари, димково ўйинчоқлари, городец каштачилиги, каслинск чўян қуймалари.

Россиянинг бугунги ҳунармандчилигига назар соладиган бўлсак, “Россия ҳунармандчилиги” порталининг маълумотларига қараганда бугун Россияда 36 та халқ ҳунармандчилиги марказлари мавжуд. Ҳунармандчилик тузилмалари ва уларнинг аъзолари россияликлар кичик бизнесини ташкил қилади. Ҳунармандлар 6-8 млн. одамни ташкил қилиб, бу ҳолат ижтимоий низоларни бартараф этишда, рисоладагидек ҳаёт тарзини яратишда, аҳоли бандлигини таъминлашда, рус халқининг миллий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда халқона анъаналарни сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга. Ҳунармандчилик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш учун **Россия**

**Хунармандлар Палатаси** ташкил қилинган. Маиший хизмат ташкилотлари, хунармандлар палаталари, гильдиялар Россия Хунармандлар Палатасининг ташкилотчилари саналади.

**Германия.** Уйғониш давридаёқ немис хунармандлари китоб чоп этириш ва гравюра санъатини тадбиқ этиш бўйича олдинги қаторларда боришган. Китоблар ва гравюра учун арзон материал – қоғознинг мавжудлиги ва қоғоз тегирмонларидан кенг фойдаланиш бунга имкон берган. Германияда соатсозлар, ўйинчоқ ва мусиқа асбобларини ясовчилар, чеварлар, этикдўзлар, корзинкачилар, заргарлар, идишсозлар ҳали ҳануз қўл меҳнатига катта эътибор беришади ва уни жуда қадрлашади. Юқоридаги касб-хунар турларининг рўйхатини яна узоқ давом этириш мумкин. Улардаги бадий касбий малакаларни авлоддан авлодга бериб борилишига катта эътибор қаратилади. Немис хунармандларининг маҳсулотлари юқори сифатлилиги билан донг таратган бўлиб, бутун дунёда машҳурлиги билан ажралиб туради. Немисларда “устоз-шогирд” муносабатлари қаттиқ тартиб билан амалга оширилиб, белгиланган тартибни бузганлар жазоланган ёхуд катта миқдорда жарима солинган.

Рақобатбардошликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун Германия ҳукумати кичик ва ўрта хунарманд ташкилотларини қўллаб-қувватлайди. Бу қўллаб-қувватлаш малака ошириш бўйича чора-тадбирлар ва маълумот характерига эга бўлган тадбирларни, тадбиркорлик фаолияти бўйича маслаҳатлар, имтиёзли кредитлар тақдим қилиш, шунингдек ўқув марказларида малака ошириш ва касб таълими учун пул маблағлари билан таъминлашни ўз ичига олади. Бошланғич босқичда Федерация хунармандни ўз ишини йўлга қўйиб олиши учун қўллаб-қувватлайди. Бунинг учун Германияда турли туман молиявий ёрдам дастурлари мавжуд. Масалан, касбий маҳоратини оширишда молиявий ёрдам тўғрисида Қонун (усталар тўғрисида қонун). У уста, техник ёки бошқа касб эгаси бўлишга тайёргарлик кўраётган мутахассисга давлат кўмагини берадиган қонуний ҳуқуқни тақдим

қилади. Малакали кадрларни тайёрлаш тизимини ва ишлаб чиқаришнинг сифат даражасини сақлашда ҳунарлар тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳунармандлик фаолияти билан фақат уста даражасини олиш учун имтиҳондан ўтганларгина шуғуллана оладилар. Уста даражасини олиш учун имтиҳонда нафақат тор доирадаги мутахассисликка оид билимларини, балки маъмурий-хўжалик, ҳуқуқий ва педагогик билимларини ҳам намойиш қилиб беришлари керак бўлади. Уста даражасини олиш учун топширилган имтиҳон устага шогирдлар олиш ҳуқуқини беради. Ҳунарлар тўғрисида Низомга ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ҳунармандлар фаолияти ва уларнинг соҳалари янада мукаммаллашди. Бу эса ҳунармандлик мақомини мустаҳкамлаб, бандликни таъминлашда, касбий тайёргарликни амалга оширишда ва ўз ишини очишга қизиқишни оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳунармандчилик соҳасида ўз ишини очишнинг асоси эса ихтисослик бўйича Катта гувоҳноманинг мавжудлиги бўлиб ҳисобланади. Бир ҳунар тармоғи бўйича ташкилот, агар хоҳласа шаҳар ёки қишлоқ ҳунармандлар цехига қўшилиши мумкин. Бундай цехлар ўз ўрнида цехлар уюшмасини ташкил қилади. Цехларни юритишда албатта касбий таълим ва малака оширишга катта аҳамият берилади. Улар жамоавий шартномалар асосида ҳам катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари мумкин. Туманлардаги цехлар эса туман ҳунармандлар иттифоқини ташкил қилади.

Ҳунармандлар палаталари, одатда, маъмурий округ ҳудудида фаолият юргизиб, барча касб-ҳунар турларининг қизиқишларини ҳимоя қиладилар ва ўз-ўзини бошқариш органи ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифалари ҳунармандчилик ташкилотларини ва шогирдларни қайд этиш рўйхатларини юргизишдир. Цехлар уюшмалари ташкилий тузилмасининг энг юқори қисмида немис ҳунармандлари касбий иттифоқининг Федерал уюшмаси жойлашган. Ҳунармандчилик палаталари немис ҳунармандлари палаталари Уюшмасига киради. Немис ҳунармандчилиги марказий иттифок ҳунармандлар палатасининг бош уюшмасига киради.

**Хитой.** Хитойликлар ҳамиша юксак ижодкорлиги ва истеъдоди билан ажралиб турган. Ривож топган ҳунарлардан: бино томларини қат-қат қилиб қуришга, чинни идишлардаги бадиий чизмалар, ўзига хос ҳайкалтарошлик, нафис мато маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган. Хитойда юқоридаги маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган устахоналар сони ортган. Буддизм Хитойга ўзига хос архитектура услубини олиб кирган. Қимматбаҳо тақинчоқлар, қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуроллари, ҳарбий қуроллар ясаш, ёғочга ишлов бериш, фарфор, сопол идишлардаги маҳорат Хитой ҳунармандларининг дунё ҳунармандлари ичида етакчилардан бири эканлигидан далолат беради.

**Ҳиндистон.** Жимжимадор нақшлар, ўзига тортувчи ранглар жилоси, беназир маҳорат ва нафислик ҳинд халқ ҳунармандчилигининг алоҳида сифатлари саналади. Мамлакат иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳунармандчилик саноатини юқори даражага кўтаришга марказий ҳукумат алоҳида аҳамият бермоқда. Ҳар бир халқ ҳунармандчилиги алоҳида худуднинг маданиятини ўзида акс эттиради. Ҳинд халқи ўзининг бой маданияти билан ҳақли равишда фахрланади.

Ҳунармандчилик санъати асарларининг ҳаётий тимсолларини турли-туман услубларда – металл ва ёғочда, тошда, сопол ва керамикада шойи ва пахтада, парчада, табиий ўсимлик толалари ва бошқа матоларда кўриш мумкин. Қабилалар ва қишлоқ ҳунармандлари ўзларининг авлодларидан ўз ижодларининг барча усул ва услубларини мерос қилиб олганлар. Металл ҳамма даврда Ҳиндистон ҳаёти ва маданиятининг бир қисми сифатида намоён бўлган. Конарка Қуёш эхромидаги темир харилар, Дехли шаҳрида жойлашган Қутб Миноранинг темир колонналари ҳиндларнинг металл қуйиш бўйича қадимий малакалари борлигидан гувоҳлик беради. Қуйма бронзалар ясаш малакалари Ҳиндистонда беш миллион йил илгари туғилган, мис ва бронза турли асбобларни ясашда энг оммабоп рангли металл ҳисобланади. Ҳиндистонда металл қуйиш санъатининг имкониятлари чексиз

бўлиб, пардозлаш ишларининг кўплаб турларидан амалда фойдаланилади – инкрустация, металл қуйиш, гравюра, аппликация в.б. Муродобод, Жайпур ва Дехлида тайёрланган ишлар ушбу маҳоратни ўзида акс эттиради. Айниқса, Уттар-Прадеш штатидаги Муродобод шахри рангли эмалдан қилинган ишлар ва қора кумушга қилинган ажойиб гравюралари билан машҳур. Панно ва расмлардаги жозибадор саҳналар тасвирланган металл симлар инкрустацияси асосан Уттар-Прадеш ва Керала штатларида тайёрланади. Металл гравюралар билан Кашмирда одатда тростларни, ёнғоқ учун омбирларни, ошхона жиҳозларни, декоратив нарсаларни безашади. Рожастон ҳунармандлари зираворлар учун кумуш қутиларга, тақинчоқлар учун шкатулкаларга, қушлар ва ҳайвон таналарига жумбоқли нақшлар солишади. Ушбу нарсалар ҳам амалий, ҳам декоратив қимматга эга. Папье-маше маҳсулотлари қоғоз массасини крахмал билан қориштириш йўли билан яратилади ва ёғоч қолиплар ёрдамида турли шакллар берилади. Ҳунармандлар тасаввурларининг чегараси йўқ. Улар маҳоратларини ўзлари ясаган маҳсулотларига ҳаёт бахш этиб изҳор қилишади. Кашмирда папье-машедан декоратив предметлар ва кундалик фойдаланиш учун нарсаларнинг турли-туманлари яратилади. Ҳиндистон ҳунармандчилигида ёғоч ҳунармандчилиги алоҳида ўрин тутади. Қадим замонлардан буён Ҳиндистонда ёғочдан турли идишлар ясашади. Химачал-Прадеш штатида ёғочдан сув учун кўза, Кашмирда ёнғоқ дарахтидан патнислар, китоб жавонлари, девор безаклари, мевалар учун вазалар ясаш машҳур бўлса, Гужарот штатида ёғоч ўймакорлигининг бой анъанаси бор: у ерда ясалган ёғоч халинчаклар, стол ва стуллар жуда машҳурдир. Карнатака ва Махараштра штатлари ёғочни лаклаш бўйича машҳур ҳисобланади. Гонжифанинг анъанавий нақшдор бешиклари, шкатулкалари ва ўйинли карталари мифология персонажларининг тасвирлари билан безатилган. Сандал дарахтининг бўлаклари ва парчаларидан ясалган жуда қулай қўл елпиғичлари бутун хонага хушбўй ифторини тарқатиб туради.

### **Ҳунармандчилик маҳсулотлари бўйича Ҳиндистон кенгаши.**

Ҳунармандчилик маҳсулотлари бўйича Ҳиндистон кенгаши – рўйхатдан ўтмаган нотижорат ташкилот бўлиб, ҳунармандчиликни сақлаш ва ҳунармандларнинг турмуш даражасини юксалтириш мақсадига хизмат қилади. Кенгаш ҳар икки йилда сайланадиган кўнгиллилар гуруҳи томонидан бошқарилади. Унинг штаб-квартираси Чиннайда жойлашган. Кенгаш ихтиёрида ҳунармандчилик маҳсулотлари бўйича ўнта штатдаги кенгашлар тармоғи бўлиб, улар орқали базавий ишлар амалга оширилади. Кенгашнинг бош вазифаси ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш ва уларнинг сифатини таъминлаш, ҳунармандларнинг меҳнатларига муносиб ҳақ олишларини таъминлаш ва келажак авлодларининг шу соҳадаги ишларни давом эттиришлари учун зарурий шароитларни яратишдан иборат. Бундан ташқари Кенгаш ҳунармандлар хом-ашёларни стандарт нархларда олишларини, асбоб-ускуна ва технологияларни такомиллаштиришларини кузатиб боради, маҳсулотлар дизайнини ишлаб чиқишда ва ҳунармандчилик маҳсулотларини ўтказишда ёрдам беради.

**Корея.** Ҳунармандчилик Кореяда ёзма тарих юзага келмасдан олдин ривожлана бошлаган. Силла ва Гая қироллиги мақбараларидан кўп миқдорда лойдан ясалган пиёла, кўзачалар, шунингдек, аскарлар, тошбақалар, аравалар, отлар ва уйлар ҳайкаллари топилган. Буё давлати (Чхунчхоннам-до чекка ҳудудлари) дан топилган фимиам каби тилла суви билан зарҳалланган бронзадан ясалган исириксимон хушбўй тутатқи Уч Қироллик даврида металлга ишлов бериш мукаммаллашганини кўрсатади. Бронза кўзгулар, будда ибодатхонаси кўнғироқчалари ва зарҳалланган тутатқи солинадиган идишлар Корё давлатида ҳунармандчилик ва амалий санъатнинг бошқа турлари юқори даражада ривожланганидан гувоҳлик беради. Ли сулоласи даврида фарфор, яъни чинни гулдонлар ҳаворанг расмлар билан безатила бошланган. Бу даврдаги дурадгор ҳунармандлар буюмлари бежирим, ихчам ва айни дамда жуда оддий бўлган. Ясалиш техникасида бутунлай дарахт

шакли тузилишидан фойдаланилганлиги корейс усталарининг натурализмга интилишини ифодалайди. Чосон давлатида мебелларнинг кўплаб турлари: шкафлар, суриладиган ва мустаҳкамланган кийим-кечак турадиган жавонлар, столлар, озиқ-овқат жавонлари тайёрланган. Ораста ва оддий муҳитни ҳосил қилиш учун меҳмонхона жиҳозларида безакли материаллардан фойдаланилган. Ётоқхона мебеллари ёрқин ва ранг-баранглиги билан ажралиб турган, ҳатто садафдан фойдаланилган. Ошхона жиҳозлари ихчам кўринишга эга бўлган. Чосон сулоласи ҳукмронлик қилган XVIII асрда ясалган мебеллар (стол-стуллар, шкафлар, полкалар, кийим-кечак турадиган яшикли жавонлар) ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган. Олтин, кумуш ва бронзадан ясалган қадимий заргарлик буюмлари ҳали ҳам кўзларни қувонтиради ва ўзининг нафислиги билан кишини лол қолдиради. Бутун Кореяда бронза кўнғироқлар ясовчи усталар донг таратишган. Бу кўнғироқлар 30 см дан бир неча 10 метргача бориб, камдан-кам учрайдиган чўзиқ овозга эга бўлган. Бу жиҳатлар усталарнинг металлни қайта ишлашда зўр маҳоратга эга эканлигидан далолат беради.

Кореяда ҳар хил ҳунармандчилик турлари пайдо бўлишига ва ривожланишига корейсларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва маданияти, шубҳасиз, ўз таъсирини кўрсатган. Корейс ҳунармандларининг маҳсулотлари шу кунгача сифати ва нафислиги билан ажралиб туради. Корейслар маиший ҳаётда полда ўтиришга ва ётишни одат қилганлар. Дурадгорларининг, қимматбаҳо мебелларга ишлов берувчи усталарининг меҳнат маҳсули, бир қарашда, одми, содда кўринса-да, аслида нозик дид, юксак касбий маҳорат билан яратилиб, мураккаб тузилишга эгаллиги билан ҳайратланарлидир. Маҳсулотлар дарахтларнинг энг яхши турларидан ясалади ва шаффоф бўёк билан бўялади. Корейс амалий-декоратив ҳунармандчилик санъати авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб келмоқда. Бугунги кунда Кореяда 40 дан ортиқ анъанавий ҳунармандчилик турлари миллий-маданий ёдгорликлар рўйхатига киритилган. Уста-ҳунармандлар ва уларнинг шогирдлари қадимий



хунармандчиликни тиклашга, сақлаш ва мукаммаллаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Халқ хунармандчилиги барча халқларда миллий бирлик ва яқдилликнинг асоси ҳамда халқ маданий меросининг бир қисми ҳисобланади. Хунармандчиликнинг ривожланиши миллий анъаналарга асосланиб, ҳар бир мамлакатнинг эксклюзив имиджини, туристик марказларини ривожлантиришга ва инвесторларнинг қизиқишларини жалб қилишга таянади. Янги хунармандчилик иқтисодиёти эса дунё бўйича ҳам ёшларни касбга тайёрлашда, ҳам иқтисодиёт сектори сифатида, ҳам миллий маданиятнинг бир қисми сифатида давлат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож.

## ИККИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА

Биз ҳам ўз тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида ёш авлодга касб-хунар ўргатиш, уларни ҳалол, унумли меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнини турли давлатларда турли соҳаларнинг тадқиқ қилиниши даражасини аниқлашда ва кейинги юз йилликдаги даврни кузатиш (таҳлил қилиш)га, қолаверса, мустақил ўзбекистон педагогикасида бу соҳада эришилаётган натижаларни қисман қайд қилиб ўтишга ҳаракат қилдик.

Фан-техника тараққиёти асрида ишлаб чиқариш соҳасининг жадал суръатларда ривожланаётганлиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва технологиялаштириш, илм-фан ва маданиятни юксалтириш соҳасидаги қўлга киритилаётган ютуқлар ёшларнинг қизиқишлари ва қобилиятларига таъсир кўрсатиш билан бир қаторда даврнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб касб танлашлари учун амалий жиҳатдан чексиз имкониятларни яратмоқда.

“Устоз-шогирд” анъанаси ўзининг чуқур тарихий илдизлари ва тажрибасига эга. Айни пайтда бу фаолият кишиларнинг фойда олиш мақсадида, жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёрлари, амалдаги қонунлари доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш борасидаги мустақил ташаббускорлик фаолияти саналади ҳамда ушбу тушунча мустақиллик йилларида тадбиркорликнинг бир қисми сифатида истеъмолда кенг қўлланилиб, кишилар онгида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Давлатимизнинг инсон капиталига йўналтирилаётган демократик тараққиёт ва модернизация борасида белгилаган мақсадларига эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч саналган ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялаш вазифасига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу борада юртимиз номини жаҳонга кенг ёйишда аждодлар томонидан яратилган, асрлар давомида шаклланган миллий анъана ва қадриятларни дунёга намоёйиш этиш, хориж тажрибалари асосида уни бойитиш, тажриба алмашиш ғоят муҳимдир.

### **3 БОБ. МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИКДА ЁШЛАРГА ХУНАР ЎРГАТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ**

#### **3.1. Касб-хунар коллежлари ўқув машғулотида халқ хунармандчилигини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мезонлари**

Ўқувчилар халқ хунармандчилиги бўйича ўқув фаолиятининг меҳнат таълимида унумли меҳнатини ташкил этишда педагогик назоратнинг замонавий самарадор кўринишларидан фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Педагогик назоратнинг мақсади – ўқувчиларнинг таълим олишига ва тарбияланишига илмий, давлат, педагогик-психологик услубий талабларнинг ташкил этилиш даражасини аниқлашнинг мазмунини ёритишдир. Педагогик назоратнинг мақсадидан унинг вазифаларидан келиб чиқади:

1) ўқувчилар халқ хунармандчилиги, халқ хўжалигининг турли соҳаларини бошқари ва ташкил этиш техника ва технология, ишлаб чиқариш бўйича назарий билимларга эгаллик даражасини аниқлаш;

2) халқ хунармандчилиги бўйича амалий юмуларини бажара олиш малакаси, кўл меҳнати асбоблари, механизациялаштирилган воситалардан фойдалана олиш малакасининг ривожланиш даражасини аниқлаш;

3) касбий маҳорат ва махсус кўникмаларнинг шаклланиш даражасини аниқлаш, турли хил техника воситаларини бошқара олиш ва хунармандчиликнинг турли соҳалари бўйича касблар (косиб, ганчкор, наққош, темирчи, тикувчи, ошпаз ва бошқ.). кўникмаларни эгаллаш даражасини аниқлаш;

4) турли хил техникавий-технологик, техкор, тарқатма ва бошқ. Материаллардан фойдаланиш, услубий, педагогик, психологик, илмий, оммабоп, даврий, матбуот, радио, телевидение материалларидан фойдалана олиш малакасининг шаклланганлик даражасини аниқлаш.

Халқ хунармандчилиги бўйича педагогик назоратни ташкил этишнинг

кўйидаги тамойиллари мавжуд: режалилик, тизимийлик, маълум мақсадга йўналтирилганлик, кўп қиррали ҳаққонийлик, ошкоралик, ҳаётийлик ва бошқ. Ушбу тамойиллардан педагогик назорат ўқув тарбиявий жараённинг барчо соҳаларини қамраб олиши кўринади: коллеждаги ўқув-дарс тизими, синфдан ташқари ишлар тизими, ўқувчилар унумли меҳнат жараёнида қатнашиши, жамоат топшириқларини бажариши, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг, ўз-ўзини бошқаришнинг, жамоатчиликнинг таъсири, оиланинг роли, ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари, ижтимоий-иқтисодий таъсири, турли хил билим, кўникмаларнинг шаклланиш жараёни, турли хил ҳужжатларнинг юритилиши ва бошқаларни қамраб олади.

Педагогик назоратнинг маҳсулдорлиги, уни қанчалик бообрў, салоҳиятли шахслар холисона бажаришига ҳам боғлиқдир. Назоратни мактаб директори ва у белгилаган кишилар: директор ўринбосарлари, ўқитувчилар, мураббийлар, синф раҳбарлари, тарбиячилар, ёшлар уюшмалари, педагогик-психологик қобилиятга эга ота-оналар, корхона раҳбарлари, муҳандис-ўқитувчилар, муҳандис-мутахассис ходимлар халқ ҳунармандчилиги усталари ва бошқалар олиб борадилар.

Педагогик назорат кўйидаги кўринишларда олиб бориш мумкин: 1. Якка тартибда. 2. Ялпи синф бўйича, мактаб, туман, вилоят, умумдавлат миқёсида.

Меҳнат таълимида, хусусан, халқ ҳунармандчилигида педагогик назоратнинг якка тартибдаги кўпгина шакллари таълимий-тарбиявий (дидактик) натижалар беради. Чунки, халқ ҳунармандчилигида меҳнатнинг мазмуни, асосан, қўл меҳнатига, махсус ва касбий юмушларни якка тартибда бажаришга асосланган. Педагогик назоратнинг гуруҳли ва ялпи шакллари кенг кўламда, давлат миқёсида, йирик ижтимоий-илмий тадқиқотларни олиб боришда бажарилади. Халқ ҳунармандчилигида ташкил этиладиган педагогик назорат кўйидаги қисмлардан тузилган: 1. Ўқув-тарбиявий жараёни кузатиш ва танишиш; 2. Шаклланган ва ривожлантирилаётган

билим, малака ва кўникмаларини қайд қилиш, ҳисобга олиш; 3. Халқ хунармандчилиги соҳалари бўйича бидим, малака, кўникмаларни текшириш ва назорат қилиш. 4. Олинган билим шаклланган кўникма ва малакаларни меҳнат натижаларига таянган ҳолда баҳолаш ва хулосалаш.

1. Кузатиш – халқ хунармандчилиги бўйича назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини касбий ва меҳнат кўникма, малакаларининг шаклланиш жараёни билан кузатувчиларнинг бевосита ёки билвосита танишишидир. Кузатувчилар сифатида ўқитувчилар, тарбиячилар, раҳбарлар ва мураббийлар ҳамда илмий тадқиқотчилар қатнашиши мумкин. Кузатиш бевосита, билвосита, тизимли, узлуксиз ва узлукли, табиий ва сунъий, илмий тадқиқот мақсадларида ўтказилиши мумкин ва ўқув-тарбиявий жараёни билан танишишнинг асосий услубларидан бўлиб, олинган, олинаётган билим, шаклланаётган, шаклланган кўникма ва малакаларни ҳисобга олиш ўқув даргоҳларидаги ўқув-тарбиявий жараённи қайд қилиб боришнинг асосий шакли бўлиб хизмат қилмоқда.

2. Ўқувчиларнинг назарий билим, кўникма ва малакаларининг ўзлаштириш даражасини текшириш ва бу жараённи назорат қилиш халқ хунармандчилиги бўйича турли хил меҳнат ва ишлаб чиқариш масалаларини ечиш, ҳисоблаш, ўқув курсининг бирор қисми ёки бутунлай ўргатилиши устида иш олиб борилади.

Билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштиришни назорат қилиш ва текшириш қўйидаги кўринишларда олиб борилади: 1. Оғзаки. 2. Ёзма. 3. Амалий.

*Оғзаки текшириш* – ўқувчилар халқ хунармандчилигининг тарихи, ривожланиши, мазмуни, ҳозирги замондаги аҳволи тўғрисидаги назарий билимларнинг даражаси, мустаҳкамлиги, дунёқарашининг кенглиги даражасини тасаввур этишга имкон беради. Оғзаки текшириш ва назоратнинг қўйидаги кўринишларини биз илмий тадқиқотимизда қўлладик: сўровлар, суҳбат, интервью.

Халқ ҳунармандчилиги бўйича ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва текширишнинг қўйидаги *ёзма услублари* мавжуд; тестлар тузиш ва ўтказиш, анкеталар тузиш ва ўтказиш, ёзма назорат ишлари, ёзма ишлар, иншоолар, технологик карталар, чизмалар, жадваллар тузиш ва бошқалар.

Меҳнат таълимида ва халқ ҳунармандчилигида билим, кўникма ва малакаларни текширишнинг *амалий услублари* етакчи ўрин тутади ва ҳисобланади.

Педагогик назоратнинг етакчи ҳисобланган амалий, ишлаб чиқариш услублари қўйидагилардир:

1. Меҳнат юмуш (операция)лари ва услубларини бажаришнинг тўғрилиги.
2. Иш ўрнини ташкил этиш.
3. Хавфсизлик қоидаларига риоя этиш.
4. Буюмларни, буюртмаларни яшашнинг сифатлилиги ва ижодийлиги.
5. Деталларга ишлов бериш аниқлиги.
6. Вақт меъёрига қўйилган талаблар.
7. Санитария-гигиена қоидаларининг бажарилиши.
8. Меҳнат қонунчилиги талаб ва миқдор (норма)ларининг сақланиши.

Халқ ҳунармандчилигида учрайдиган шакл ва нақшларнинг аниқ бурчак геометрик ўлчамга эга эмаслиги, ижодий ва миллий характердалиги деталлар ўлчамига, тайёрланиш сифатига, аниқ давлат талаблари, шаблонлари ва стандарти қўйилмаслигини олиб келади.

Буюмлар сифати ва ўлчамлари аниқлигига асосий ўлчов мезони бўлиб, моҳир, юқори малакали халқ усталарининг тайёрлаган буюмлари, тутган йўллари, иш услублари хизмат қилади. Халқ ҳунармандчилиги бўйича ташкил этиладиган машғулотлар, тугараклар раҳбарлари, шу йўналишдаги меҳнат фаолиятининг амалий ва ишлаб чиқариш, қўл меҳнати мазмунида эканлигини назарда тутиб таълим муассасаси услубий кенгаши билан келишилган ҳолда талабларни ўзлари белгилашлари лозим.

Мустаҳкам шаклланган ўлчов-назорат кўникма ва малакаларини ўқувчилар қўйидаги юмушларни бажаришга лаёқатини оширади:

- ўлчов-назорат асбобларини тўғри ушлаш ва фойдаланиш;
- асбобларни созлаш ва доим тайёр ҳолда тутиш;
- халқ хунармандчилиги бўйича олинган билимларнинг амалиётга қўлланилишининг махсулдорлик миқдорини ошириш;
- ижодкорлик қобилияти;
- унумли меҳнатни ташкил эта олиш;

Халқ хунармандчилиги ва меҳнат таълимини ташкил этишда вақт ўлчами миқдори асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Халқ хунармандчилигида вақтни нормалашнинг мазмуни шундаки, бир ёки бир неча меҳнат юмушларини белгиланган муддат давомида бажариб улгуришдир.

Ўқувчилар вақт ўлчамини белгилашдан олдин, меҳнат ва махсус юмушларни бажариш тезлиги ҳисобига олинади. Ўқувчиларга вақт миқдорини белгилаш деталларнинг тайёрланиш сифатига эътибор бермаслик асосидагина юзага келиши мумкин.

Меҳнатни тайёрлаш ишлаб чиқаришнинг ижодийлик мазмунини амалиётга қўллашнинг ижодкорлик тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Меҳнат ва вақтни меъёрлаш ўқувчиларда ишлаб чиқариш жараёнининг махсулдорлигини оширишга, мураккаб бўлмаган меҳнат куроллари, мосламаларни ясаш ва халқ хунармандчилиги соҳаларида қўллаб олиб бориш. Масалан, гиламчилик соҳасида ипни йигириш жараёнида оддий ёғоч урчук ўрнига электродвигателли электр урчук таклиф этилганда ва бу механизасия воситасидан фойдаланилганда, меҳнат унумдорлиги одатдагидан 4 ва 5 баробар ошади.

Меҳнат меъёрини белгилашда меҳнат фаолиятини ташкил этилаётган ўқувчиларнинг дам олишини ва ўқув машғулотларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўқувчи организмнинг психофизиологик хусусиятлари, жисмоний, рухий ривожланиши узлуксиз, узоқ давом этадиган меҳнат юкламасига акс таъсир кўрсатиш, тез чарчаши, меҳнат жароҳатланишига

олиб келиши мумкин. Меъёрлашда кунлик иш тартибини ташкил этувчи масъул ходим, ўқув, меҳнат қилиш, дам олиш жараёнларининг навбатлаб келишишига эътибор бермоғи лозим.

Ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти, махсус, касбий, умуммеҳнат малака ва кўникмалари, янги услубларни амалиётга, ҳаётга қўллашнинг натижасидир. Меҳнат юмушлари меҳнат услубларидан ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган турли ҳаракатлар йиғиндисини ташкил топади. Ҳар бир услуб кўп йиллик ҳаётий, касбий ҳаракатларни мужассамлаштириш натижасида, турли мақсадли ҳаракатларникўп маротаба такрорлаш натижасида юзага келади.

Турли хил асбобларни ушлашни, ҳаракатлантиришни, фойдаланишни аввало, кўрсатиш, кейинчалик намойиш этилган услубларни ўқувчи шогирдларнинг тўғри узлаштириб олишлари ва пировард натижада, уларни қатъиян, оғишмай бажаришлари ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишнинг асосий гаровларидан ҳисобланади. Ўқувчилар асбоблар билан меҳнат юмушларини бажариши ривожлантирилади, малака ва кўникмаларга айлантириб борилади.

Халқ ҳунармандчилигида меҳнат юмушларининг тўғри бажарилиши кўйидаги ҳолларда намоён бўлади. Масалан, ганчкорлик бўйича:

- ясалаётган шаклнинг тасвирини ва чизма ўлчамини тўғри чизиб, белгилаб олиш;
- ганч қоришмаси ёпиштирилаётган тағзаминнинг юзасини тўғри тайёрлаш;
- нақшнинг лойиҳасини аниқ ва тўғри тайёрлаб олиш;
- ганч қоришмасини тайёрлаш, уни асосга ёпиштириш ва кесиш асбобларини тўғри ушлаб, унумли фойдаланиш;
- нақш ва шаклларни кесишда тежамкорликка риоя қилиш, тўғри меҳнат ҳаракатларини бажариш;
- шаклларни, нақшларни пардозлашда нозик ҳаракатларни бажара



олиш, жилвирлаш асбобларини, материалларни тўғри ишлатиш;

– халқ ҳунармандчилигида меҳнат фаолияти хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш амалий ва ишлаб чиқариш фаолиятида ҳунармандлар соғлигини, иш қобилиятини сақлаш ва меҳнат асбобларининг фойдаланиш умрини узайтиришнинг асосий гаровларидан ҳисобланади.

Хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, меҳнат унумдорлигини оширишдан ташқари, турли хил жароҳатланишларнинг касбий касалликларнинг олдини олишга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда амалий ишлаб чиқариш машғулотларини ташкил этишда хавфсизлик қоидалари ва меҳнат қонунчилигининг шакллари қўлланилмоқда:

1. Электр ва механизациялаштирилган асбоб-ускуналар билан ишлаш қоидалари – электр хавфсизлиги;

2. Механизациялаштирилган меҳнат воситаларига қаровлар ўтказиш, таъмирлаш ва тузатиш – техника хавфсизлиги;

3. Иш ўринларида, ишлаб чиқариш корхона биноларида, омборларида, сеҳ ва участкаларида ёнғин чиқиш хавфининг олдини олиш чоралари – ёнғин хавфсизлиги;

4. Оқар сув хавзаларидан, ичимлик сувдан ва оддий сувдан кесиш асбобларини совуткич сифатида фойдаланиш, сув ўтказиш каналлари ва қурилмаларидан фойдаланиш – сув хавфсизлиги қоидалари;

5. Табиий газдан, сиқилган ва суюлтирилган газдан фойдаланиш, газ ёқилғиларини ишлатиш – газ хавфсизлиги;

6. Иш, дам олиш, ўқиш, овқатланиш жойларини доимо тоза, озода сақлаш, зарурий ёруғлик, тоза ҳаво, температуранинг меҳнат унумдорлигига эришишда тўғри ташкил этилиши-санитария-гигиена қоидалари;

7. Меҳнат ва вақтни тўғри тақсимлаш ёки меъёрлаш, ишчи ва ҳунармандларни тақдирлаш, соғлигини сақлаш, дам олиши, даволаниши ва моддий, маънавий таъминланиши, нафақа билан таъминлаш – меҳнат

қонунчилиги;

#### 8. Болалар ва аёллар меҳнати қонунчилиги.

Халқ ҳунарманчдилиги бўйича ўқувчилар меҳнатини ташкил этишда янги техникалар, технологик жараён ва меҳнат юмушлари бўйича назарий билим, амалий ишлаб чиқариш кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш, назорат қилиш, текшириш ва баҳолашда қўйидагиларни қайд қилиш зарур бўлади:

- ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш, бўйича назарий билимларни, технологик, тезкор, ишлаб чиқариш хариталари, турли хужжатларини юритиш бўйича билимларни турли хужжатлар билан ишлаш олиш, зарур вақтда, янгиларини мустақил ҳолда яратиш;

- асосий технологик жараён, ишлаб чиқариш юмушлари изчиллиги, кетма-кетлиги тўғрисидаги билимларни;

- асосий меҳнат қуроллари, асбоблари, мосламалари билан ишлаш тўғрисидаги билимларни;

- хавфсизлик қоидаларини электр, газ, сув, ёнғин, техника хавфсизлиги, меҳнат қонунчилиги, санитария-гигиена қоидалари;

- таълим ва ишлаб чиқаришнинг техникавий воситалари ёзма ва чизма манбаларини техник хужжатлар, тавсифномалар ва бошқ тўғрисидаги билимлар ва малакаларни;

- турли хил ишлаб чиқариш ва ўқув топшириқларини бажаришдаги мустақил фаолият ( турли хил хом ашёларга зарурий эҳтиёжни ҳисоблай олиш; ёғочга, ганчга, газламага, озиқ-овқат маҳсулотларига ва бошқ.) ва уларга ишлов беришни ҳисоблай олиш, ёғоч, ганч, металлларни ўйиш, чуқурлиги ва кенглигини ҳисоблаш, резбалар чуқурлигини, бичиш-тикиш ишларида тугунлар, бириктиришлар мустаҳкамлиги ва бошқ.;

- халқ ҳунармандчилиги бўйича турли-хил буюмлар ва уларнинг қисмларини тайёрлаш сифатини назорат қилиш, дастлабки, жорий ва якуний назоратни ташкил этиш.

Халқ хунармандчилиги бўйича амалий, ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришнинг сифатини текширишда баҳолар, ўлчов мезонини белгилашда қуйидагиларга риоя қилиш зарур бўлади:

– иш ўрнини энг маҳсулдор илмий, замонавий талаблар даражасида ташкил этишда мустақиллик ва режалилик;

– режалаш, кесиш, пардозлаш асбобларини (м: ганчкорлик, металл ва ёғоч ўймакорлиги) чарҳлаш, тузатиш, текшириш, созлаш, ишлашга тайёрлаш;

– меҳнат жараёнида мохир халқ усталари сингари энг маҳсулдор, қулай меҳнат услубларини танлаш;

– танланган қулай, маҳсулдор, ишлов бериш услубларини асослай олиш материалларга ишлов бериш ва пардозлаш усулларини танлаш (м:сандиқсозликда, мебеллар тайёрлашда ва бошқ.) қулай, маҳсулдор услуб ва ҳаракатлар танлаш;

– электр токига, газ ва бошқа ёқилғи, мойлаш материалларига, биноларга, тугайдиган ва тугамайдиган захираларга, асбоб-ускуна ва жиҳозларга тежамли муносабатда бўлиш;

– давлат, хусусий, кўшма, кичик, шахсий корхоналарда, кооперативларда халқ хунармандчилиги бўйича унумли меҳнат жараёнида ўз-ўзини назорат ва ички назоратни режали ҳолда йўлга қўйиш;

– белгиланган вақт мобайнида олинган меҳнат топшириқларини бажариш (вақт ва меҳнат меъёрларини белгилаш) ва бошқ.

Ўқувчилар назарий билим, амалий кўникма ва ишлаб чиқариш малакаларини текширишда, кузатиш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва баҳолашда тест-назорат услубияти ҳозирги замоннинг энг илғор ва кенг тарқалган шаклларида ҳисобланади.

Тест-назорат тизимин қамраб олиш ва текшириш объектларининг кўп қирралилиги. Кўплаб фаолият турларини текшириш, эталон-жавобнинг мавжудлиги билан анъанавий назорат тизимларидан фарқ қилади. Эталон

тўғри жавобнинг мавжудлиги бошқа жавоблар билан таққослаш имкониятини беради.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳолашда ушбу тизим қулайликлари қўйидагича бўлиб, қамров кўламларини келтириб ўтамыз:

- 1) билимларни ўзлаштириш даражасини;
- 2) малакаларнинг шаклланиш даражасини;
- 3) кўникмаларнинг такомилланиш даражасини;
- 4) меҳнат жараёнининг ташкил этиш даражасини;
- 5) меҳнат юмушларининг бажарилиш даражаси аниқлиги;
- 6) ҳунарманднинг меҳнат услублари бажарилиш даражасини;
- 7) меҳнат ҳаракатларининг бажарилиш софлигини;
- 8) тайёрланган буюмлар сифатини ва бошқ.

Ўқувчи-ҳунармандларнинг меҳнат фаолиятини юқоридаги 8 хил кўринишида текширишга ҳаракат қилинади:

1. Ўқувчилар халқ ҳунармандчилиги бўйича билимларни ўзлаштириш. Мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида турли фактларни, саналарни, исм, воқеа ва ҳодисаларни қайд қилиш, авлодларимиз томонидан бажарилган ҳаёт тажрибаларини ўрганиш. Ҳар бир ҳунарнинг тарихи, тарқалиши, аҳамияти, мохир усталарини билиш, шу соҳа бўйича қилинган ишлар билан танишиш, турли адабиётлар билан, радио, телевидение, ўқитувчининг маъруза ва ҳикоялари, вақтли матбуот ва бошқалар маълум соҳа бўйича билим манбалари ҳисобланади.

2. Халқ ҳунармандчилиги бўйича малакаларни шакллантириш ўқувчиларнинг меҳнат ҳаракатларини уюшган мақсадга йўналтирилган ҳолда бажаришга қаратилган машқ ва услубларининг йиғиндиси ҳунарманд фаолиятида акс этишидир.

3. Халқ ҳунармандчилиги бўйича кўникмалар шаклланиши ўзлаштирилган ривожлантириб махсус, касбий ҳаракатлар автоматлашган

ҳолда ўз-ўзидан бажарилиш даражасигача етказилишидир. Малака сунъий даражада шакллантириб, кўникма эса табиий-касбий эҳтиёж сифатида намоён бўлади.

4. Меҳнат жараёни – ишчи ҳунарманднинг маълум юмушни бажариш мақсадида қилинадиган, маълум қонуниятлар асосида мазкур қабга хос бўлган умумий ва махсус ишчил ҳаракатларнинг таъсирлари йиғиндисидир.

5. Меҳнат усуллари – маълум технологик жараённи амалга ошириш мақсадида ишчи-ҳунарманднинг тугал ҳаракатлари йиғиндисидир.

6. Иш ҳаракатлари – ишчи-ҳунарманднинг қўл ва оёқлари (ёки баъзи предметларининг) нинг меҳнат жараёнида маълум мақсадга йўналтирилган ҳолдаги қимирлаш, ҳаракатланишидир. Масалан, баъзи ўқув курслари, дарсларидаги (тарих, география, тиллар ва бошқ.) ўзлаштиришдаги меҳнат ҳаракатлари билан халқ ҳунармандчилиги, меҳнат таълими машғулотларидаги меҳнат ҳаракатларининг ўзига хослиги албатта, кўникма ва малакаларга бойлиги билан бир биридан фарқ қилади.

Албатта, юқорида кўрсатилган 6 хил ўлчов мезони (билимларни ўзлаштириш, кўникма, меҳнат ҳаракатлари ва бошқ.)нинг айнан, меҳнат таълими ва халқ ҳунармандчилигига хослиги бу соҳалар бўйича педагогик назоратни ўрнатишда ўзига хосликни талаб этади.

Педагогик назоратни ташкил этишда тестлар услубиятидан фойдаланиш инсон меҳнат, касбий фаолиятининг кўпгина қирраларини текширишга кузатиш ва баҳолашга ёрдам беради.

Тестлар услубиятидан фойдаланиш қўйидаги талабларнинг бажарилишига ёрдам беради:

1) ўқувчилар ўзлаштирган ахборотларни хажми ва мазмунига назорат услубларининг мос келиши (мазмуний мослик);

2) ўқувчилар билимларини ўзлаштириш даражаси билан назорат услубининг мос келиши;

3) топшириқларнинг оддийлиги ва соддалиги;

4) топшириқларнинг маълум бир томонга, мақсадга йўналтирилганлиги;

5) тестларнинг ишончлилиги;

6) тестларнинг ташхислилиги, олдиндан кўра олиши;

7) тестларни текшириш мумкинлиги, текширилувчанлиги;

1. Мазмуний мослик – ўқувчиларнинг тестлаш ўтказилгунга қадар ўзлаштирган ахборотларининг ҳажми ва мазмунига, текшириш услуб ва воситаларининг аниқ мос келишини таъминлайди. Масалан, халқ хунармандчилигининг маълум соҳаси бўйича ўтказилаётган тестлар шу соҳадан ўрганилган, ўзлаштирилган қисминигина ҳам назорат қилиш кузда тутилади.

2. Вазифали мослик – текширилаётган фаолият турининг ривожланганлик даражаси билан бажарилаётган топшириқнинг, вазифанинг талаблари мос келиши хунарманд-ишчиларнинг меҳнат фаолиятини баҳолаш музим томонларидан ҳисобланади. Масалан, ўқувчилар халқ хунармандчилиги бўйича олган назарий билимлари, амалий ишлаб чиқариш шаклланиши даражаси билан тестлар тузилишининг мураккаблик даражаси билан бир-бирига мос тушиши, назоратнинг ҳаққонийлигига олиб келади.

3. Топшириқларнинг соддалиги, оддийлиги – биргина савол ёки топшириқ билан ўқувчилар тестлаш ўтказилгунга қадар ўзлаштирган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларининг даражасини аниқланади.

4. Тестлар топшириқларининг бир томонлилиги ёки мақсадга йўналтирилганлиги барча ўқувчиларга бир хилда тарқатилган тестларни тушуна олишлари, тестлар талабига кўра юмушларни бир хил даражада бажара олишларига айтилади.

5. Тестларнинг ишончлилиги қўйидаги икки хил шароитда таъминланиши мумкин: 1. Назорат қилинаётган ўқув элементининг илмий ишланганлик даражаси (манбаларда қайд қилиниш даражаси); 2. Ахборотларни турли манбалардан, дарсликлардан, ўқув қўлланмалари,

тавсияномалар ва бошқ. Ўзлаштириш даражаси.

6. Тестлар тузилишидаги олдиндан кўра билиш, ташхислик таъминланса, тест топшириқларидаги ёки эталонда кўрсатилган меҳнат юмушларини, меҳнат кўникма ва малакаларини яхши намунали бажариб келган ўқувчилар ўзлари мустақил бажаришларига, синаб кўришларига имконият яратилади. Масалан, тест топшириқларида, ёғоч уймакорлигида, искана турлари тўғрисидаги саволлар берилса, маълумотларни аниқлабгина қолмасдан, баъзи тур исканалар билан меҳнат юмушларининг хусусиятлари, ўзига хослиги (уйиш чуқурлиги, кенглиги, нақшлар ранг-баранглилиги ва бошқ.) ҳам суралиши, бажарилиши, синаб кўрилиши мумкин.

Тузилган тестларни илмий жаҳатдан таҳлил этиш учун шу соҳа бўйича мутахассислар, фан ўқитувчилари мазкур ишлаб чиқариш соҳалари бўйича илғор мутахассислар, мохир усталар таклиф этилади.

Текширилаётган фаннинг ўқув дастури билан тузилган тестларни таққослаш даврида ўқув ахборотларининг манбалари, топшириқлари, режалари, юмушларини бир-бири билан ҳамда топшириқлар мазмуни, шакли, эталонлари билан уларни таққослаш-мазмуний ва функционал мосликка тўғри келишига эътибор қилмоқ лозим бўлади.

Тестларни шажараларга ажратишда В.Беспалко тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, инсон фаолиятининг шаклланиш даражасига мувофиқ ўзлаштириш даражасига мос ҳолда 4-босқичга гуруҳладик:

1-босқич. Илгари эгалланган билимларни эсга тушириш, хотирлаш даражаларини текшириш тестлари.

Ушбу гуруҳ тестлари қўйидаги қисмларга ажратилади: 1. Билиш тестлари; 2. Фарқлаш тестлари; 3. Таққослаш тестлари; 4. Сохта тестлар.

1. *Билиш тестлари* - тузиш даврида топшириқларга жавоб вариантларида "ха", "йўқ", "бўлади", "таалукли", "таалукли эмас" каби тўғри ва акс маъноли сўзлар қўлланилади. Ўқувчилар тўғри жавоб-еталонларни топишда бу жавобдан бирини танлашлари лозим. Топшириқларда,

тавсифларда ўқувчиларга илгари таниш билиш объектлари, билимлар мажмуи қўлланилади. Масалан, топшириқ; ганчкорлик халқ ҳунармандчилиги соҳаси ҳисобланадими? Жавоб: "ха", "йўқ"; эталон - "ха".

2. *Фарқлаш тестлари* - тузишда ўқувчиларга берилган бир ёки бир неча топшириқларнинг ичида бир ёки бир неча тўғри жавобни топиш лозим бўлади.

3. *Таққослаш тестлари* - тузишда илгари ўрганилган таниш билимлар, объектлар, жараён ва ходисаларнинг бир нечаси келтирилиб ўтилиб, эталон тўғри жавобни топишда юқоридаги билиш объектлари таққосланади ва бир-биридан фарқи аниқланади.

4. *Сохта тестларни* - тузишда топшириқлар мазмуни одатдагидек тузилиб, ўқув дастурининг мазмунига тўғри келгани билан жавоблар ёки эталон бир неча кўринишда ёки рақамлар (кодлар) ёрдамида берилади. Ўқувчилар топшириқлар ечимини, тўғри жавобни топишда кодлар рақамини кўрсатиш лозим бўлади.

5. *Ахборотларни ишлаб чиқиш ёки хотирлаш тестларида* ўқувчилар илгари ўрганган билим ва мавзуларини хотирлайдилар ёки янги ахборотларни ўзлари ишлаб чиқадилар.

6. *Ўрнига қўйиш тестлари* - топшириқ тузишда турли хил текст, жадвал, формула, чизма, белги, лойиха ва моделларни тузишдаги етишмаган зарурий қисмларнинг ўрнига қўйиш, топиш зарур бўлади.

7. *Тузиш тестлари* - ўқувчиларда маълум жараён, лойиха, чизмаларни ўзлари чизишлари лозим бўлади ва жавобларни ўзлари топадилар.

8. *Намунавий масалаларни ечиш тестларини* - тузишда ўқувчилардан маълум масалаларни ечиш, жараёнларини ва тузилмаларни лойихалаш, меҳнат юмушларини бажариш кетма-кетлигига риоя қилиш меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш қонуниятлари, қоидалари изчиллигига риоя қилган ҳолда бажаришдан келиб чиқади.

Ахборотларни ўзлаштириш, хотирлаш тестлари алоҳида мавзулар,



бўлимлар, ўқув курсларини ўтилгандан кейин эгалланган билимлар савиясини аниқлаш учун қўлланилади. У қўйидаги босқичларда изчиликда тузилади:

1. Ўқув дастурининг текширилаётган қисмина диққат билан ўрганиш, ўқув элементларига ажратиш, ўқув фанининг мавзулар чизиқли тизимини яратиш; 2. Тестлар тузилаётган ўқув элементларини, текширилиш объектларини танлаш; 3. Тестларни дастлабки кўринишида тайёрлаб олиш; 4. Тестларни таҳлил, таҳрир қилиш ва экспертлар текширувидан ўтказиш; 5. Синов текширувидан ўтказиш учун тестларни зарур миқдорда, кам нусхада кўпайтириш купайтириш; 6. Тестларни синов текширувидан ўтказиш, дастлабки натижаларни таҳлил қилиш ва топшириқ ва эталонларни якуний текширувдан ўтказиш; 7. Ўқувчиларни ялпи текширувдан ўтказиш учун зарурий сонда, мақсадда тайёрлаб олиш, кўп нусхада кўпайтириш.

2. Тестларни тузишда муҳим босқичлардан бири педагогик назорат объектларини танлаш ҳисобланади. Ҳар бир ажратилган, танланган ўқув элементлари хусусияти инсон фаолиятининг ривожланиш даражасига мос келиши керак.

Автоматлаштирилган, аппаратлаштирилган назоратга кўпгина тестлар мос келади. Текширилаётган объектлар устидан ўтказилган аппаратлашган назоратнинг объектлари 3 тадан кам бўлмаслиги лозим.

Меҳнат таълими ва халқ ҳунармандчилигида билим ва малакаларни ўқувчилар ўзлаштириш фаолияти даражаларини ҳар бирини таҳлил қилишга ўрганиб кўрамиз. Ўзлаштириш даражасини аниқлаш тест топшириқларини ишлаб чиқишда жуда муҳимдир.

1-даража – *танишиш даражаси*. Бу ўзлаштириш даражасига чиқарилган ўқувчига турли буюмлар, жараёнлар, объектлар ўзлари ёки уларнинг баёни, тасвири, тавсифи, тақдим қилингандагина у уларни таниши мумкин. Ушбу мақсадда ўқувчи танишиш билимларини эгаллайди ва у турли хусусиятларни фарқлашни амалга ошира олади. Бу ҳолда ўқув ахборотини

чукур тушунишига, хотирада мустаҳкам сақлашга, ақлий ва мантиқий юмушларни бажаришга бўлган талаблар ҳам ўзига хос даражада бўлади. Бундай даражани аниқлаш тестларини тузишда топшириқлар, янги билимлар бера оладиган қилиб тузилади.

2-даража – *эслаш (хотирада сақлаш)* даражаси. Ушбу босқичда ўқувчилар илгари ўрганилган ахборотлар, операсиялар, юмушлар, фаолият турларини такрорлашлари, намунавий масалаларни ечишлари мумкин. Бундай ҳолда улар нусха кўчириш билимларига эга бўладидар.

Таълим жараёнида ахборот, юмуш ва ҳаракатлар қандай кўринишида ва кетма-кетликда баён қилинган бўлса, уларни шундай такрорлашга сўзма-сўз эслаб, хотирлаш, айтиб бериш деб айтилади. Ўқув ахборотларни сўзма-сўз такрорлаб айтиб бериш бу уларни моҳиятини чўқур тушунмаслик ва онгли равишда изчилликларини англамаслик мевасидир. Илгари ўзлаштирилган ўқув ахборотини хотирлаш ва сўзма-сўз айтиб бериш турли фанларнинг асосий қонуниятлари таърифи, қабул қилинган умумий белгилар, терминлар ва х.к. ларни эслашда кўп учрайди.

*Кўникмаларнинг намоён бўлиши* – бунда ўқувчи ўз меҳнат фаолиятини кета-кетлигини ва уни амалга ошириш усулларини маълум муддат ичида уйлаб кургандан сўнг бажаради. Агар ўқувчи бирор станокда ишлашга ўргатиш жараёнини кўз олдимизга келтирсак, станокни бошқаришни ўргатиш дастлабки вақтларида ўқувчи бевосита мураббий ёки уста – токарнинг кузатиш ва иштирокида бажаради. Станокни бошқаришда ҳар бир фаолиятни, ҳаракатни ўқувчи узоқ вақт, босқичма-босқич уйлаб кўриб, сўнгра бажаради. Станок ёки қурилмада ишлашни ўрганган сари уни бошқариш билан боғлиқ бўлган турли фаолиятларни бажариш учун ўқувчи томонидан сарфланадиган вақт ҳам камайиб бораверади, аммо иш сифати ошаверади. Ушбу ҳолат фақат станокларга ишлашга ўргатиш учун хос бўлмасдан балки, мавжуд техниканинг асбоб, мослама ва қурилмаларнинг барча турларини бажаришга ўргатиш жараёни учун ҳам характерлидир.

*Малакаларнинг намоён бўлиши* – мустақил ишлаш даражасигача кўтарилган ўқувчилар одатда турли станок ва механизмларни ишлатиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни енгил қийналмасдан, бир лаҳзада бажарадилар. Касбий фаолиятнинг ушбу даражасида ўқувчилар бажариши лозим бўлган ҳар бир меҳнат юмушларини бажариш учун, уйлаб кўйиш учун сарфланадиган вақтни кескин камайтиришга эриша оладилар, яъни кузатаётган киши станокда ёки қурилмаларда ишлаётган ўқувчи гуё уни уйламасдан бошқараётгандай тасаввур қолдиради.

Ўз-ўзидан равшанки, ўқувчилар кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун ўқув ахборотларини чуқур тушунишлари, эсда қолдиришлари биргина ўзи кифоя қилмайди, албатта. Бу ерда амалий машқларни қайта-қайта бажариш, узлуксиз, доимий равишда такрорлаш билан, ҳаракатларни энг осон ва тез бажариш усулларини кетма-кет, изчил эгаллаш жараёнини ташкил эта олиш муҳимдир.

Ўқувчилар ижодкорлик даражасига чиқариш учун билимларни кўпроқ мустақил излашга, эгаллашга ўргатиш керак. Бу ерда энг муҳими, ҳар бир ўқувчи ўзида мавжуд имкониятларига бўлган ишончини ҳосил қилишдир. Ушбу мақсад учун ўқув жараёнига махсус ижодий топшириқларни кўплаб киритиш, ўқувчиларга тлмий-назарий, тузувчилик, таъмирлаш, янги буюмлар, қурилмалар ясаш фаолиятларни шакллантириб бориш лозим.

Энди бу фаолият учун хос бўлган мисоллар келтирамиз:

1) илгари ўрганилган ўқув элементларининг белги ва хусусиятларини ўқувчи томнидан изоҳлаш;

2) берилган формулалар ва маълум ҳисоблаш чизма ва белгилари асосида ҳисоблаш ишларини бажариш;

3) ўқув дарслигидаги маълумотларни улар қандай кўринишда ва кетма-кетликда келтирилган бўлса, шундай тартибда баён қилиш ва бошқалардир.

Ушбу фаолият турларида илгари эгалланган ҳаракат усулларини

ўхшаш бўлган турли вазиятларга тўғридан-тўғри қўллаш орқали ҳам бажарилиши мумкин. Бу ҳолда андозалар намуналарга таянган ҳолда бажариладиган фаолият ҳақида фикр юритилади.

2. Сермаҳсул фаолиятда ўқувчи илгари ўзлаштирган юмушларни айнан такрорлаш йўли билан бажармасдан, балки, янги шароитда турдли фаолият усуллари мижассамлаштирган ҳолда, қўллаган ҳолда бажарилади.

Ушбу фаолиятнинг моҳиятини олиб берувчи мисоллар қилиб қўйидаги фаолиятларни келтириш мумкин:

- мустақил танлаб олинган формулалар ёки чизмалар бўйича ҳисоблашлар ўтказиш;
- бирор йўл-йўриқсиз, мустақил ҳолда турли лойиҳаларни янги курилмаларни, нақшларни, композицияларни яратиш;
- ташаббускорлик ва ихтирочилик, ишбилармонлик билан шуғулланиш ва ҳоказолар.
- хунармандчиликда янги саноат асарларини яратиш;
- ҳаракатланувчи турли моделлар, макетлар яратиш ва бошқ.

### **3.2. Ёшларни касб-хунарга тайёрлаш юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари**

Кадрларни касбий ўқитиш ҳажмини аниқлаш ва мувофиқлаштириб туриш учун иш берувчилар билан ҳам сўровномалар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Худудий меҳнат бозори ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаштириш ишлари жараёнида, энг аввало, бозор муносабатларига ўтиш ва ўтказилаётган ислоҳотларнинг чуқурлашиши билан боғлиқ ҳолда қандай ўзгаришлар содир бўлаётганини, бу ислоҳотларнинг худудий ва маҳаллий миқёсдаги касб меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифга, шунингдек, ишчи кучи сифатига, хусусан, ишчи кучи сифатига таъсир кўрсатадиган меҳнатнинг хусусияти ва мазмунига таъсирини аниқлаш зарур.

Ҳар қандай ижтимоий-педагогик муаммонинг ижобий ечимини топишда унинг самарадорлик даражасини аниқлаш муҳимдир. Ёшларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг самараси халқ хўжалигининг ривожланиши, иқтисодий самарадорликни оширишдаги таъсири, сарфланган хом ашё, ишлаб чиқарувчи куч ва воситалар, ажратилган маблағ, маҳсулотни бозорда сотиш натижасида қўлга киритилган даромад билан белгиланади. Бунда халқ хунармандчилиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот ишларини амалга оширишда тадқиқот объекти сифатида Андижон вилоятининг КХК битирувчилари, уста-хунармандлар ва МФЙ фуқаролари олинди.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, анкета сўровномада иштирок этувчиларнинг назарий билимлари ва мавжуд тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда 10 та тестдан иборат саволлар тузилди (1-илова). Ҳар бир тест учта альтернатив саволлардан иборат бўлиб, саволларга жавоблар “5” (аъло), “4” (яхши), “3” (қониқарли) каби белгиланди.

10 та тестга жавоб берган иштирокчи қуйидаги мезон бўйича баҳоланди:

“5” – агар 10 та тестдан 9 ёки 10 тасини “5” баллик жавобини белгиласа;

“4” – агар 10 та тестдан 7 ёки 10 тасини “4” ёки “5” баллик жавобини белгиласа;

“3” – агар “5” ва “4” лик талаблар бажарилмаса.

Айтайлик бош тўпламда  $N$  нафар иштирокчи бўлиб, унда  $n$  нафар иштирокчи таваккалига танлаб олинган бўлсин.  $N$  нафар иштирокчининг фикрини ўрнига биз танламадаги  $n$  нафар иштирокчини фикрига асосланганлигимиз сабабли биз репрезентив ҳатога йўл қўямиз.

Агар танлама тўпламининг ҳажми (n) бош тўпланининг ҳажми (N) нинг 5-10 % дан кам қисмини ташкил этса ўртача хатоликни қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$m_{\bar{x}} = \frac{s}{\sqrt{n}}$  бу ерда С ўртача квадратик фарқ бўлиб қуйидагича аниқланади: Ушбу

3.1-жадвал

Баҳо	“5”	“4”	“3”	Жами
Абсолют частота	$n_1$	$n_2$	$n_3$	$n=n_1+n_2+n_3$

Тажрибадан сўнгги танлама тақсимоти бўлса, у ҳолда

$$s = \sqrt{\frac{1}{n-1} [(5-\bar{x})^2 + (4-\bar{x})^2 + (3-\bar{x})^2]}$$

$$\bar{x} = \frac{5n_1 + 4n_2 + 3n_3}{n}$$

Ўртача хатоликнинг фоизлардаги қиймати  $m_{\bar{x}} \cdot 100\%$  каби топилади.

Агар танлама ҳажми (n) бош тўплам ҳажми (N) нинг 10 % дан кўп қисмини ташкил қилса, у ҳолда ўртача хатоликни қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$m_{\bar{x}} = \frac{s}{\sqrt{n}} \cdot \sqrt{1 - \frac{n}{N}}$$

Бунда бош тўпламининг ўртача қиймати танлама ўртача қиймат ( $\bar{x}$ ) дан у ёки бу томонга учланган ҳато чегарасида бўлади:


$$\bar{x} \pm 3m_{x\bar{x}}$$

Биз қуйида анкета сўровнома натижаларини КХК битирувчилари, МФЙ фуқаролари ва уста-ҳунармандлар учун алоҳида қуйидаги жадвал асосида берамиз:

БАҲО	«5»	«4»	«3»	Жами
Абсолют частота	$n_1$	$n_2$	$n_3$	$n$
Абсолют частота (фоизларда)	$\frac{n_1}{n} \cdot 100\%$	$\frac{n_2}{n} \cdot 100\%$	$\frac{n_3}{n} \cdot 100\%$	100%
Ўртача ҳатолик (фоизларда)	$\pm m_{\bar{x}} \cdot 100\%$	$\pm m_{\bar{x}} \cdot 100\%$	$\pm m_{\bar{x}} \cdot 100\%$	

Натижалар хатоликни ҳисобга олган ҳолда у ёки бу томонга  $m_{\bar{x}} \cdot 100\%$  га силжиши мумкин.

*1. Ёшларни қўшимча касб-ҳунар эгаллаш бўйича талаб ва таклифларини аниқлаш юзасидан ўтказилган анкета сўровномадан (касб-ҳунар коллежини битирувчи ва иш билан банд бўлмаган ёшлар учун) олинган натижалар*



Статистик таҳлил натижалари қуйидагича бўлди:

**1.1. Андижон вилояти КХК битирувчилари.** Вилоятда 117 та касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатиб, 43200 нафар битирувчи талаба бор. 4 та коллеждаги  $N=1380$  нафар талабадан  $n=138$  (10% ни ташкил этади) нафар


танлаб олинганлари анкета сўровномада қатнашди.

Сўровнома натижалари қуйидаги жадвалда акс этган:

3.3-жадвал

Баҳо	«5»	«4»	«3»	Жами
Абсолют частота	94	32	12	138
Абсолют частота (фоизларда)	68%	23%	9%	100%
Ўртача хатолик (фоизларда)	±1,3%	±1,3%	±1,3%	

2. Ёшларни қўшимча касб-хунар эгаллаш бўйича талаб ва таклифларини аниқлаш (МФЙ фуқаролари) юзасидан ўтказилган анкета сўровномадан олинган натижалар



Статистик таҳлил натижаларини келтирамиз. Танламада бош тўплам 10 % гача олинган.




2.1. Андижон вилояти МФЙ фуқаролари. Маҳаллалардан n=156 нафар фуқаро анкета сўровномада қатнашди. Якуний хулоса жадвалини келтирамиз:

3.7-жадвал

Баҳо	«5»	«4»	«3»	Жами
Абсолют частота	118	22	16	156
Абсолют частота (фоизларда)	76%	14%	10%	100%
Ўртача хатолик (фоизларда)	±1,1%	±1,1%	±1,1%	

3. “Устоз-шогирд” усулида қўшимча касб-ҳунар эгаллаш бўйича талаб ва таклифларни аниқлаш юзасидан (уста-ҳунармандлар учун) ўтказилган анкета сўровнома натижалари



3.1. Андижон вилояти уста-ҳунармандлари. Уста-ҳунармандларнинг 102 нафари сўровномада қатнашди. Якуний жадвални келтирамиз:

<b>Баҳо</b>	<b>«5»</b>	<b>«4»</b>	<b>«3»</b>	<b>Жами</b>
<b>Абсолют частота</b>	67	21	14	102
<b>Абсолют частота (фоизларда)</b>	66%	21%	13%	100%
<b>Ўртача хатолик (фоизларда)</b>	±1,6%	±1,6%	±1,6%	

Кўриниб турибдики “Устоз-шогирд” усулида қўшимча касб-хунар эгаллаш самарадорлиги математик тил билан айтганда 90-95 фоизга тенг.

### **3.3. Ёшларни касб-хунарга тайёрлаш бўйича методик тавсиялар**

Хурматли ёшлар! Мана кун-ой ўтиб касб-хунар коллежи ва академик лицейни битирганингизга ҳам сал кам ярим йил бўлмоқда. Айрим дўст-дугоналарингиз олий ўқув юртларида таҳсил олишни бошлаган бўлсалар, кўплари ўз ихтисосликлари ёки мутахассисликлари бўйича иқтисодиётнинг турли тармоқларида иш ўринларига эга бўлиб иш бошладилар. Сизчи, ҳаётда ўз ўрнингизни топа олдингизми? Олдингизда қандай муаммолар турибди?

- 1. Таълим олган йўналишингиз бўйича олий ўқув юртига кира олмадингиз.**
- 2. Эгаллаган мутахассислигингиз бўйича ишга жойлаша олмадингиз.**
- 3. Иш жойингизни ёки касбингизни ўзгартиришга мажбур бўлдингиз.**
- 4. Сиз дўстларингиздан орқада қолмоқдасиз.**
- 5. Ҳаётда ўз ўрнингизни топишда қийналаяпсиз.**

## БУ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ЕЧИМ БОРМИ?

1. Ота-онангиз вақтинча уй-рўзгор, боғ-дала ишлари билан шуғулланиб туришни маслаҳат бермоқда.
2. Жиддий тайёргарлик кўриб келгуси йили олий ўқув юртига топширишга қарор қилдингиз.
3. Айрим дўстларингиз қўшни давлатларга бориб ишлаб келишни маслаҳат бермоқда.
4. Қўшнингиз ўзи билан бир марталик ишларни бажаришга олиб бормоқчи.
5. Ака-опаларингиз тадбиркорлик билан шуғулланишни тавсия этмоқда.
6. *Сиз дўстларингизга етиб олиш ва ҳаётда ўз ўрнингизга эга бўлиш учун мустақил иш тутишга, яъни қўшимча касб-ҳунар ўрганишга қарор қилдингиз.*

**Сиз, ўзингиз дуч келган муаммони бартараф этишнинг энг мақбул йўлини танладингиз!**

Аmmo қарорингизни амалга ошириш учун каерга мурожаат қилиш кераклигини биласизми?

Сиз каби ёшларга кўмак берувчи ташкилот ва тузилмалар борлигидан хабардормисиз?

Касб танлашнинг анъанавий усулларида хабардормисиз? (*илова-1*)

Уларнинг қайси бирига мурожаат қилиб тезроқ ва тўғри йўл топиш мумкин?

“Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 37-модда

**Ёшларни қўшимча касб-хунар ўрганиш орқали ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари учун масъул ва ҳамкорлар:**

1. Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчилар.
2. Маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва уларнинг масъул ҳодимлари.
3. Меҳнат ва бандликка кўмаклашиш туман, шаҳар бўлимлари ҳамда уларнинг ҳудудий нозирлари.
4. Тегишли яшаш ҳудудда жойлашган касб-хунар коллежлари.
5. “Хунарманд” уюшмаси туман, шаҳар бўлимлари ва уюшма аъзолари бўлган уста-хунармандлар.
6. “Тадбиркор аёл” уюшмаси туман, шаҳар бўлимлари.
7. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман, шаҳар бўлимлари.
8. Тегишли лицензияга эга бўлган қўшимча касб-хунар ўқув марказлари.
9. Давлат рўйхатидан ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар, уста-хунармандлар.
10. Ва бошқа давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари.

**Сизга таклиф этиладиган қўшимча касб-хунар йўналишлари:**

1. Тадбиркорлик.
2. Хунармандчилик ва амалий санъат.
3. Маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш.
4. Спорт ва санъат.
5. Савдо ва умумий овқатланиш ва ҳок.

Хунармандчилик турларини ўрганиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш, миллий қадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарининг бой меросини ўрганиш ва улардан ўз амалий фаолиятиларида фойдаланиш кўникмалари мустаҳкамланади.

**Сизга таклиф этиладиган қўшимча касб-хунар турлари:**

- косибчилик;
- дурадгорлик;
- тўқувчилик;

- тикувчилик;
- дўппидўзлик;
- зардўзлик;
- сартарошлик;
- ўймакорлик;
- ва ҳок.

**Хунармандчиликнинг қўшимча касб эгаллашдаги ўзига хос жиҳатлари:**

- бу фаолиятнинг ижодийликка ва миллий анъаналарга асосланганлиги;
- асосан маҳаллий бозорни эгаллаши ва серҳаридорлиги;
- мулк ва бошқарувнинг бир шахсда амалий бирикиши;
- юридик жиҳатдан эркинлик;
- ўз имкониятларини эркин намоён қилиш осон;
- маҳсулот яратишда кўп ва сероб бўлган маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиши;
- фаолият бошлаш учун кам сармоя талаб қилиши;
- давлат ёрдамининг ва банк имтиёзларининг мавжудлиги.
- кўрилиши мумкин бўлган зарар, зиённинг катта бўлмаслиги.

**“Ўйигит кишига қирқ хунар ҳам оз”.**  
**Халқ мақоли**

**Қўшимча касб-хунар эгалламоқчимисиз? Унда сиз:**

- ✓ Кичик бизнес, хусусий тадбиркорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасидан хабардор бўлинг (Ўзбекистон республикаси Конституцияси, Ўзбекистон республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси қонунлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва улар асосида ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар).

- ✓ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларига мурожаат қилинг.
- ✓ Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди ва уларнинг жойлардаги бўлимлари, шунингдек, “Ягона дарча” марказларидан аҳоли бандлигининг самарали шакллари: оилавий тадбиркорлик, касаначилик, деҳқон хўжаликлари (паррандачилик, қорамолчилик) ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлинг.
- ✓ Вақтли матбуот ва интернет сайтларидан ҳозирги замон фан, техника ва технологиялар тараққиётининг жадал юксалиши даврида энг кўп эҳтиёж сезилган касблар ҳамда бу борада хориж тажрибалари ҳақида маълумотлар тўпланг.
- ✓ Ўз бизнес лойиҳа ва ғояларингиз билан ОАВ, матбуот ва интернет сайтларида бериб бориладиган турли танловларда иштирок этинг, банклардан мақсадли кредитлар олинг.
- ✓ Ота-онангиз билан оилавий тадбиркорлик қилиш ҳақида маслаҳат қилинг.

**“Мақсад, сабот ва билим –  
муваффақият калитидир”  
Донолар бисотидан**

Меҳнат ва касб-хунар борасида муваффақиятга эришиш учун ҳар бир инсон:

- ўзига ишониши, ўз олдига тўғри мақсад қўя олиши керак;
- киришаётган ишининг натижасини аниқ тасаввур этиши зарур;
- мақсадга эришиш учун астойдил интилиши лозим;
- шахсий куч ва ресурсларни максимал даражада сафарбар этиши керак;
- юксак марраларга эришиш учун яна амалиётга ва тажрибага ҳам мурожаат қилиши лозим;
- йўлида машаққат ва оғирчиликлар дуч келса сабр билан енгиб ўтиши керак;
- муваффақиятни қўлга киритиш бир иш бўлса, уни ушлаб туриш ва ушлаб

қолиш энг катта ишдир.

**Яхши билинг!** Меҳнат қилиш ва касб-хунар эгаллаш моддий фаровонликнинг асоси ҳамда маънавий эҳтиёжларни қондиришнинг калитидир.

**Унутманг!** Ҳаётда ўз ўрнингизни топишда, моддий ва маънавий барқарорликка эришишда: таъмагирлик, ўғрилик, талон-тарожлик, порахўрликдан фойдаланиб, енгил пул топишни орзу қилманг! Меҳнатсиз турмушнинг охир йўли барибир жарликдир.

**Мутафаккирлар айтадики:** Меҳнат қилиш, касб-хунар эгаллаш ва унинг орқасидан ҳалол турмуш кечириш – инсоннинг ижодий ҳамда бунёдкорлик кучини кўрсатади, камолотини таъминлайди ва кадр-қимматини ошириб, улуғлик сари етаклайди.

Азиз ёшлар! Ушбу тавсияларимиз сизга қўшимча касб-хунар танлашда оз бўлсада кўмак беради деб умид қиламиз.

## УЧИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА

Кадрларни касбий ўқитиш ҳажмини аниқлаш ва мувофиқлаштириб туриш учун иш берувчилар билан ҳам сўровномалар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Худудий меҳнат бозори ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаштириш ишлари жараёнида, энг аввало, бозор муносабатларига ўтиш ва ўтказилаётган ислохотларнинг чуқурлашиши билан боғлиқ ҳолда қандай ўзгаришлар содир бўлаётганини, бу ислохотларнинг худудий ва маҳаллий миқёсдаги касб меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифга, шунингдек, ишчи кучи сифатига, хусусан, ишчи кучи сифатига таъсир кўрсатадиган меҳнатнинг хусусияти ва мазмунига таъсирини аниқлаш зарур.

Ҳар қандай ижтимоий-педагогик муаммонинг ижобий ечимини топишда унинг самарадорлик даражасини аниқлаш муҳимдир. Ёшларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг самараси халқ хўжалигининг ривожланиши, иқтисодий самарадорликни оширишдаги таъсири, сарфланган хом ашё, ишлаб чиқарувчи куч ва воситалар, ажратилган маблағ, маҳсулотни бозорда сотиш натижасида қўлга киритилган даромад билан белгиланади. Бунда халқ ҳунармандчилиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.



## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

**Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ва тадқиқот натижаларига таянган ҳолда қуйидаги хулосалар келинди:**

Фан-техника тараққиёти асрида ишлаб чиқариш соҳасининг жадал суръатларда ривожланаётганлиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва технологиялаштириш, илм-фан ва маданиятни юксалтириш соҳасидаги қўлга киритилаётган ютуқлар ёшларнинг қизиқишлари ва қобилиятларига таъсир кўрсатиш билан бир қаторда даврнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб касб танлашлари учун амалий жиҳатдан чексиз имкониятларни яратмоқда.

Миллий ҳунармандчиликдаги маросимлар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар ёшлар маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Ёшлар томонидан халқ ҳунармандчилиги маросимлари, анъаналарини, маънавий кадриятимизнинг сир-синоатини тулик билиб олиш, уларда миллий гурур ифтихор хиссини уйғотади, фикрлаш доираси кенгаяди, миллий узликни англайди.

Бугун юртимизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг етарлилиги, қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бораётганлиги ва хомашё базасининг мавжудлиги, шу билан бирга, халқимизнинг тафаккурида қадимдан шаклланган тадбиркорлик анъаналари оилавий бизнесни янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшларни мақсадли касб-ҳунар эгаллашга тайёрлаш, уларга замонавий шароитда кичик бизнес, тадбиркорликка оид билимларни ўргатиш лозим. Бу эса уларнинг мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш учун меҳнат қилишлари, ўз вақтларини фойдали ишларга сарфлашларига кўмаклашади. Меҳнат қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш – кичик ва ўрта бизнесга ҳисса қўшишга ундайди.

Мамлакатимизда ҳунармандлар учун яратилаётган қулайликлар халқимизнинг бой ва бебаҳо меросини қайта тиклаш ҳамда миллий анъаналаримизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳунармандчилик

юртимизда азал-азалдан яхши ривожланган. Шу соҳа орқали рўзгор тебратиб, оиласини ва эл-юрт манфаатини таъминлаб келган аждодларимиз ўз касбу кори ва ҳунарини авлоддан-авлодга мерос қолдирган, фарзандларига болалигидан касб-ҳунар ўргатган.

Ҳунармандчилик тадбиркорлигини ривожлантириш ҳар қандай мамлакат учун муҳим, чунки бу соҳа аҳолини иш билан банд этиш билан бирга уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ўзларидаги мавжуд қобилиятни юзага чиқаришга, шунингдек, асрий миллий урф-одат ва қадриятларни авлоддан-авлодга ўтишига ёрдам беради.

**Тадқиқот ва тажриба-синов ишларининг умумий натижаларига таянган ҳолда, оилада ўсмирларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш мақсадида, қуйидаги ТАВСИЯЛАРНИ илгари сурамиз:**

1. Миллий ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатиш жараёнидаги хорижий мамлакатлар ва минтақада эришилаётган ютуқлар билан ёшларни таништириб бориш, бу борада юқори савиядаги илмий-методик таъминотларни кўпайтириш..

2. Ҳунармандчиликда ёшларга ҳунар ўргатиш ва уни хорижий тажрибалар билан бойитишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш.

3. Ёшларда умуммиллат ва жамият манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори қўя олишлари, миллий анъаналарга содиқлик, жамият ва миллат олдидаги инсоний бурчларини тўлақонли англашлари, халқ бахт-саодати ҳамда юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишларига эришиш учун психологик ва педагогик шароит яратиш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1998. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарк нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 20-29-б.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарк нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 31-61-б.
4. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. – Тошкент, 1997 йил, 31 март.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 6 январда тасдиқланган “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда қабул қилган ПФ-4725 сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.
7. ЮНЕСКОнинг “Техникавий касб-ҳунар таълими тўғрисида”ги Конвенцияси. 1998 йил, 10 ноябрь.
8. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,

- барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. –176 б.
  11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
  12. Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. – Тошкент, Маънавият, 1999. – 104 б.
  13. Абдуллаев Т. XIX-XX асрларда ўзбек кандакорлиги. – Тошкент, Фан, 1974. – 127 б.
  14. Абулқосимов Ҳ., Абдуллаева Р. Ҳунармандчилик ривожини ва тадбиркорлик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, -№3. 2000. – Б. 71.
  15. Асамова Р.З. Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси: Псих.фанл.номз. ... дис.автореф. – Тошкент, 2002. – 28 б.
  16. Артикова М., Азимова З. Ёшларни касбга тайёрлашга анъанавий-замонавий ёндашиш. –Т.: Ҳаёт, 2017.
  17. Баратов Ш. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. – Тошкент, Ўқитувчи. 1995. – 56 б.
  18. Бобоқулов С. Ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни шакллантириш методикаси. Пед.фанл.номз. ... дис.автореф. – Тошкент, 2005. – 21 б.
  19. Боситхонов З. Ганчкор санъати. Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1978. – Б. 50.
  20. Булатов С. Ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлигига оид атамалар. – Тошкент, Меҳнат, 1991. – 94 б.
  21. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент, Меҳнат, 1991. – 384 б.
  22. Булатов С., Ғуломов С. Шарқона устоз-шогирд одоби. – Тошкент, 2000. – 62 б.
  23. Булатов С., Ҳайдаров М, Ҳунармандчилик дуолари. – Тошкент, ТДПУ,

1994. –70 б.

24. Воробьев А.И. Меҳнат таълими ва касб танлашга йўллаш методикаси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1980. – 238 б.
25. Давлатов К.Д. Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш. –Тошкент, Ўқитувчи, 1978. –144 б.
26. Жавлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992. – 91 б.
27. Жумаев Ш.Ў. Халқ ҳунармандчилиги мисолида коллеж ўқувчиларини амалий санъатга ўргатишнинг педагогик шарт-шароитлари. Магист.дисс. Самарқанд, 2012. 86-бет.
28. Жумаев У.С. Ўсмирларда касб танлашга муносабат тизимини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик асослари: Псих.фанл номз. ... дис.автореф. – Тошкент, 2004. – 21 б.
29. Жўраев К. Ўсмирларни ўзликни англаш ва ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш // Халқ таълими. – Тошкент, 2005. -№2. – Б. 55-58.
30. Зоҳидова Д.А. Ҳунармандчиликка кириш / Методик тавсиянома. – Тошкент, ЎМКХТРИ, 2001. – 52 б.
31. Ирискулов Б. Оила тадбиркорлиги // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2004. -№5. – Б. 33.
32. Камолова Н.А. Ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари: Пед.фанл.номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б.
33. Кеневский Э.М., Красянский Э.В., Лисов М.М. Турмушда тежамкорлик сирлари / Русча нашрдан таржима. – Тошкент, Ўқитувчи, 1988. – 192 б.
34. Крутетский В. А. Педогогик психология асослари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1976. – 304 б.
35. Мазур В.А., Давидова Ф.Т. Миллий ҳунармандчиликка ўқитиш жараёни мазмуни ва уни ташкил қилиш / Методик тавсиянома. Б.Раҳимжонов таржимаси. – Тошкент, ХТИТИ, 1995. – 24 б.
36. Маъданга битилган кўшиқ / Т.Абдуллаев ва бошқалар. – Тошкент,

- Адабиёт ва санъат, 1986. – 251 б.
37. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси / К.Д.Давлатов ва бошқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992. – 320 б.
38. Оила педагогикаси / Проф.О.Хасанбоева умумий таҳрири остида. – Тошкент, Алоқачи, 2007. – 384 б.
39. Ортиқова М. Хунарманлар шахри (Ёшларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўргатишнинг Шаҳрихон тажрибаси). – Тошкент, Зарқалам, 2006. – 128 б.
40. Раимов Х., Ҳакимов А. Талабалар тадбиркорлик фаолиятининг маънавий асосларини шакллантириш // Таълим ва тарбия. – Тошкент, 2003. -№ 3-4. – Б. 50-53.
41. Салаев С. Касананачилик фаолиятини ривожлантириш асослари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. -№2. – Б. 96.
42. Санакулов. Х.Р. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг касб-хунарга қизиқишларини меҳнат анъаналари асосида тарбиялаш: Пед.фанл.номз. .. дис. автореф. – Тошкент, 2001. – 18 б.
43. Сарсенбоева Р. Халқ хунармандчилигида ўқувчилар меҳнат уюшмасини тузиш – бугунги кун талаби // Таълим ва тарбия. – Тошкент, 2001. -№3-4. – Б. 30-31.
44. Турғунбоев Ф. Ўзбекистонда меҳнат менталитетининг янгилашиш хусусиятлари. Фалсафа фанлари докт. дисс. – Т.: 2006 й., 48-бет.
45. Усмонов Х., Шодиев Н., Абдурахмонова М. Марғилон хунармандлари.– Фарғона: 2000. – 32 б.
46. Умарова Х. Бошланғич таълимда иқтисодий билимларни ўрганишга йўналтирилган модули технологияларнинг дидактик асослари: Пед.фанл.номз. ... дис.автореф. – Тошкент, 2006. – 25 б.
47. Худойкулов Х.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари: Пед.фанл.номз. ... дис.автореф. – Тошкент, 2005. – 28 б.

48. Худойкулов Х.Ж. Ёшларда иқтисодий тарбияни шакллантириш // Халқ таълими. – Тошкент, 2003, -№3. – Б. 34-35.
49. Худойкулов Х.Ж. Шарқ мутафаккирлари иқтисод одоби ҳақида. – Тошкент, ТДАИ. 2005. – 100 б.
50. Хўжанов Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТДПУ, 2002. – 128 б.
51. Шепеленко Р.И. Экономика, организавия, планирование на производстве. – Ростов-на-Дону: Издателский центр “Март”, 2000. – 544 ст.
52. Шодиева Г., Пардаев М. Касаначилик оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда янгича йўналиш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. -№3. – Б. 51-55.
53. Шодиев С. Меҳнат таълими дарсларида халқ хунармандчилигини ўрганиш асослари. Магист.дисс. Самарқанд, 2012. 90-бет.
54. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / Таҳрир хайъати: Д.А. Алимова ва бошқалар. – Тошкент, Шарқ. 2001. – 464 б.
55. Экономическая теория / Учебник для ВУЗов. Под редакцией В.Д.Камаева. 4-е изд. пере., доп. – М.: Владос ИМПЕ, 1999. – 636 с.
56. Эргашев Ф. Туркистонда хунармандчилик ва пиллачилик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. -№3. – Б. 13-14.
57. Эшметов Ш.А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари: Псих.фанл.номз. ... дис.автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.
58. Ўлмасов А. Оила иқтисоди / Рисола. – Тошкент, Меҳнат, 1998. – 47 б.
59. Қиличев Р. Туркистонда хунармандларнинг ўзини-ўзи бошқарув тартиби // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. -№3. – Б. 39–40.
60. Қудратов А. Таълим тизимида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2004. -№3. – Б. 4-5.
61. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Муҳитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995. – 123 б.

62. Қувондиқов Ш. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. -№7. – Б. 61-62.
63. Қурбонов Ш., ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси (“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). –Т.: Шарқ, 1998.
64. Ғозиев э. Психология. Ёш давлари психологияси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1994. – 224 б
65. Ғозиев э., Мамедов К. Касб психологияси. – Тошкент, ЎзМУ, 2003. – 156 б.
66. Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Тошкент, Шарқ, 2002. – 365 б.
67. Ҳайитов О. Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Псих.фанл.номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 2005. – 25 б.
68. Ҳайитов О. Янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш. – Тошкент, Ўзбекистон. 1989. – 31 б.
69. Ҳакимов Р.Р. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фанл.номз. ... дис. – Тошкент, 2005. – 135 б.
70. Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. – Тошкент, Ғ.Ғулом. 2000. – 110 б.
71. Ҳасанов А., Мирзахўжаев С. Оилада тежамкорлик сирлари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1999. – 95 б.
72. Ҳасанов С. Мутаффакирлар меҳнат тарбияси ҳақида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1993. – 144 б.
73. Ҳожиёв Б. Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг аҳамияти // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. -№4. – Б. 34-35.
74. Ҳасанова Н. Ёш мутахассисларни меҳнат бозоридаги рақобатдошлигини



ошириш. Ўқув кўлланма. –Т.: Академия, 2014.

75. Хўжаев А.А., Йўлдошев Х.О. Ижтимоий ҳамкорлик ва касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг амалий кўникмалари. –Т.: 2006 й.
76. Эшметов Ш.А. Устоз-шоғирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари: Псих.фанл.номз. ... дис.автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.

### **Интернет манбалари**

1. Бизнес в законе. Научный журнал включен в список ВАК России.. ISSN: 1816921X. <http://ores.su/ru/journals/gumanitarnyj-vektor-seriya-pedagogika-psihologiya/2011-nomer-4/a33422>
2. Общество. среда. развитие (terra humana). Научный журнал включен в список ВАК России. ISSN: 19975996.  
<http://ores.su/ru/journals/gumanitarnyj-vektor-seriya-pedagogika-psihologiya/2011-nomer-4/a33422>
3. Гуманитарные исследования в восточной сибире и на дальнем востоке. Научный журнал включен в список ВАК России. ISSN: 19972857.  
<http://ores.su/ru/journals/gumanitarnye-issledovaniya-v-vostochnoj-sibiri-i-na-dalnem-vostokey/2013-nomer-4-24/a149040>

**Ёшларни қўшимча касб-хунар эгаллаш бўйича талаб ва таклифларини аниқлаш  
юзасидан анкета сўровнома**  
(касб-хунар коллежини битирган ва иш билан банд бўлмаган ёшлар учун)

Исми, шарифингиз \_\_\_\_\_  
Туғилган ой, йил, кунингиз \_\_\_\_\_  
Яшаш манзилингиз \_\_\_\_\_

<b>1.</b>	<b>Маълумотингиз</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Олий	<input type="radio"/>
B)	Ўрта махсус (академик лицей)	<input type="radio"/>
B)	Ўрта махсус (касб-хунар коллежи)	<input type="radio"/>
<b>2.</b>	<b>Сизнингча ёшларда қўшимча касб-хунар ўрганишга эҳтиёж борми?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Унчалик эмас	<input type="radio"/>
B)	Албатта бор	<input type="radio"/>
B)	Эҳтиёж йўқ	<input type="radio"/>
<b>3.</b>	<b>Қўшимча касб-хунарни қаерда эгаллаш қулай деб ҳисоблайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Коллежда қайта ўқиб	<input type="radio"/>
B)	Мустақил равишда ўрганиб	<input type="radio"/>
B)	Устозга шогирд тушиб	<input type="radio"/>
<b>4.</b>	<b>Ёшларни қўшимча касб-хунар эгаллашининг тадбиркорлик фаолиятидаги ўрни ва ўзаро уйғунлигини қандай баҳолайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Аҳамияти бор, аммо қисман мос келади	<input type="radio"/>
B)	Мос келмайди	<input type="radio"/>
B)	Ўрни катта, ўзаро уйғун тушунчалар	<input type="radio"/>
<b>5.</b>	<b>Қандай касб-хунарни “устоз-шогирд” усулида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Ҳар қандай зарур касб-хунарни	<input type="radio"/>
B)	Айрим маиший касб-хунарларни (сартарошлик, ошпазлик ва ҳоказо)	<input type="radio"/>
B)	Анъанавий-миллий касб-хунарларни (дўппидўзлик, тўнчилик ва х.з)	<input type="radio"/>
<b>6.</b>	<b>Мустақил равишда, шогирд тушиб ёки оилада ўрганилган касб-хунарни ҳуқуқий ҳужжат асосида тасдиқлаш керакми?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Жуда керак	<input type="radio"/>
B)	Яхши бўлар эди	<input type="radio"/>
B)	Керак эмас	<input type="radio"/>
<b>7.</b>	<b>Яхши яшаш ва зарур даражадаги моддий имкониятларга эришиш учун қуйидаги йўллардан қайси бирини танлаган бўлар эдингиз?</b>	<b>Жавоб</b>

A)	Олий маълумот олиш ва касб эгаллаш	<input type="radio"/>
B)	Ўрта махсус маълумот олиш ва касб эгаллаш	<input type="radio"/>
B)	Мунтазам интилиш ва қўшимча касб-хунар эгаллаш	<input type="radio"/>
<b>8.</b>	<b>Оилавий касб, сулолавий хунар, отамерос иш каби тушунчаларни биласизми ва хурмат қиласизми?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Биламан ва жуда қадрлайман	<input type="radio"/>
B)	Тушунчага эга эмасман	<input type="radio"/>
B)	Қисман биламан ва ҳавас қиламан	<input type="radio"/>
<b>9.</b>	<b>Қўшимча касб-хунар эгаллаш аҳоли (ёшлар)нинг бандлик даражасига қандай таъсир кўрсатиши мумкин, деб ўйлайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди	<input type="radio"/>
B)	Қисман таъсир кўрсатади	<input type="radio"/>
B)	Катта таъсир кўрсатади	<input type="radio"/>
<b>10.</b>	<b>Ҳар бир кишида қўшимча касб-хунар бўлиши зарурми?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Зарур	<input type="radio"/>
B)	Жуда зарур	<input type="radio"/>
B)	Шарт эмас	<input type="radio"/>

**“Устоз-шогирд” усулида қўшимча касб-хунар эгаллаш бўйича талаб ва таклифларни аниқлаш юзасидан анкета сўровнома**  
(уста-хунарамандлар учун)

Исми, шарифингиз \_\_\_\_\_  
Туғилган ой, йил, кунингиз \_\_\_\_\_  
Яшаш манзилингиз \_\_\_\_\_

<b>1.</b>	<b>Уста-хунараманд сифатида неча йилдан буён фаолият олиб борасиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	3-5 йил	○
B)	6-10 йил	○
B)	11-15 йил ва ундан ортик	○
<b>2.</b>	<b>“Устоз-шогирд” анъанавий мактаблари фаолиятини бир тизим асосида мувофиқлаштириш ва бошқариш зарур деб ҳисоблайсизми?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Жуда зарур ва маъқуллаймаман	○
B)	Қарши эмасман, аммо бирор фикр билдиришим қийин	○
B)	Маъқуллаймаман	○
<b>3.</b>	<b>“Устоз-шогирд” мактабининг тадбиркорлик фаолиятидаги ўрни ва ўзаро уйғунлигини қандай баҳолайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Аҳамияти бор, аммо қисман мос келади	○
B)	Ўрни катта, ўзаро уйғун тушунчалар	○
B)	Мос келмайди	○
<b>4.</b>	<b>Шогирд ёши нечада бўлгани маъқул деб ҳисоблайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	20 ёшгача	○
B)	25 ёшгача	○
B)	30 ёшгача ва ундан юқори	○
<b>5.</b>	<b>Мустақил равишда, шогирд тушиб ёки оилада ўрганилган касб-хунарни ҳуқуқий ҳужжат асосида тасдиқлаш керакми?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Жуда керак	○
B)	Яхши бўлар эди	○
B)	Керак эмас	○
<b>6.</b>	<b>Эгаллаган ҳунарингиз ва касбингизни ёш авлодга ўргатишнинг қандай усулларда олиб бориш мақсада мувофиқ деб ўйлайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Иқтидорли, қизиқувчан ёшларни шоги рдликка олиб иш жараёнида ўргатиш	○
B)	Ўрта махсус касб - хунар таълимига қўшимча касб сифатида ўргатиш	○
B)	Махсус ташкил этилган “ устоз- шогирд “ мактабида	○
<b>7.</b>	<b>“Устоз-шогирд” мактаби аҳоли (ёшлар)нинг бандлик даражасига қандай таъсир кўрсатиши мумкин, деб ўйлайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
A)	Катта таъсир кўрсатади	○
B)	Қисман таъсир кўрсатади	○

В)	Ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди	○
<b>8.</b>	<b>Сизнингча бугунги кунда ёшлар орасида қўшимча касб-хунар эгаллашга эҳтиёж борми?</b>	<b>Жавоб</b>
А)	Унчалик эмас	○
Б)	Ҳа, албатта бор	○
В)	Эҳтиёж юқори	○
<b>9.</b>	<b>“Устоз-шогирд” анъаналари асосида қўшимча касб ўргатиш жараёнини илмий-методик таъминлаш иши ҳозирда талаб даражасида эмас. Ушбу масалани ҳал этишнинг таклиф этилаётган қайси усулини мақуллайсиз?</b>	<b>Жавоб</b>
А)	Ҳар ким ўз билганича, ўз услубида ўргатиши керак	○
Б)	Ушбу жараёни услубий методик таъминлаш шарт эмас	○
В)	Махсус ихтисослашган методик марказ орқали услубий таъминотни йўлга қўйиш лозим	○
<b>10.</b>	<b>“Устоз - шогирд” анъанавий мактаблари фаолиятини хориж тажрибалари билан бойитиш ва жаҳон андозалари талаби даражасида янада такомиллаштириш вақти келди деб ўйлайсизми ва бунга қўшилсизми?</b>	<b>Жавоб</b>
А)	Албатта қўшиламан, амалга оширилаётган ҳар қандай иш хориж тажрибалари ва ютуқлар билан бойитилиши керак	○
Б)	Ҳа, аммо ҳали эрта	○
В)	Тажрибамиз жуда юқори, шарт эмас	○